

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!



O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Postda Ha nocty




2025-yil 22-may
payshanba
№ 21 (4715)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

MINNATDORLIK

FARZANDIM VUJUDIDA MARDLAR QONI BOR



**O'g'lim
Javlonbek
yurak nuqsoni
bilan tug'ilgan,
tibbiy ko'rikdan
o'tkazgan
shifokorlar
iloi boricha
tezroq jarrohlik
amaliyoti o'tkazish
zarurligini
uqtirishardi. Agar
vaqtida chora
ko'rilmasa, qon
tomirlari uzilishi
mumkin edi.
Turmush o'rtog'im
mavsumiy
ishlar bilan
shug'ullanadi.
Uning topgani
o'g'limning
operatsiyasi
uchun yetmasdi.**

Bolam ko'z o'ngimda so'lib bolaradi. Entikib nafas olar, uzzukun uyda yotardi. «Men ham o'rtoqlarim kabi o'ynay olamanmi, chopa olamanmi?», deganida yuragim ezilib ketardi. Operatsiya uchun pul topish maqsadida uyimizni sotuvga qo'ydik. Yordam so'rab bormagan idoram qolmadi, ochig'i esim og'ishiga oz qolgandi.

Shunday kunlardan birida Elbek ismli hamqishlog'imiz «Jizzax viloyati Ichki ishlar boshqarmasi boshlig'i bugun mahallamizda sayyor qabul o'tkazadi, u barchaga yordam berayapti, boring», dedi. Garchi ishonchim butkul so'ngan bo'lsa-da, bolam uchun bordim. Boshliq menga ham iloi boricha ko'mak ko'rsatishini bildirdi.

Ana shundan so'ng Do'stlik tumani Ichki ishlar bo'limi xodimlaridan biri o'z mashinasida meni va o'g'limni Toshkent shahriga shifoxonaga olib bordi. U yerda jarrohlik amaliyotini o'tkazish uchun 3 yil kutishim

kerakligini aytishdi. Shifokorning olidan yig'langancha chiqdim. Ko'p o'tmay o'sha xodim bizni Samarqand shahridagi shifoxonaga eltdi.

U yerda Niso Turdiboyeva ismli shifokor kutib olib, ko'nglimni ko'tardi: «Opa men Rossiyadagi shifoxonada ishlardim, Prezidentimiz Vatanga qaytinglar, degani uchun kelganman, xudo xohlasa, hammasi yaxshi bo'ladi». Ichki ishlar organlari xodimi shifoxonada meni qoldirar ekan, qo'limga oziq-ovqat, pul, telefon berib, «O'zimiz xabar olib turamiz», dedi. Qarang, odamgarchilikni...

Operatsiya arafasida shifokor ko'p qon kerak bo'lishini aytdi, men yana tuman ichki ishlar bo'limiga qo'ng'iroq qildim. Ko'p o'tmay 10 nafar xodim yetib keldi. Ularning har biri 400 grammdan qon berdi.

Jarrohlik amaliyoti 7 soat davom etdi. Hammasi yaxshilik bilan yakunlandi. Uyga qaytganimizdan so'ng viloyat ichki ishlar boshqarmasi rahbariyati o'g'limdan xabar olish

uchun uyimizga to'lib-toshib keldi, bolamga katta o'yinchoq – avtomobil sovg'a qildi.

O'zimni tutib tura olmadim, jigarbandimning hayotini saqlab qolganliklari uchun yig'lay-yig'lay minnatdorlik bildirdim. Hozir bolam maktabda o'qiyapti, sog'ligi yaxshi. Yaqinda tuman ichki ishlar bo'limidan qo'ng'iroq qilib, «Samarqandda tibbiy tekshiruvdan o'tkazish uchun yana pul ajratamiz», dedilar. Aytgancha, operatsiya payti o'g'limning qoni to'liq yangilandi. Hozir uning tanasida ichki ishlar organlari xodimlarining qoni oqyapti.

Javlonbegimga soha vakillari juda ko'p yordam berishganidanmi, ke-lajakda xodim bo'lmoqchi. Hamma yaxshiliklari uchun ularga o'zimning chuqur minnatdorligimni bildiraman.

Naima QO'LDOSHEVA.

*Jizzax viloyati
Do'stlik tumani.*

O'ZBEKISTON XABARLARI

Prezident Shavkat Mirziyoyev Budapeshtga rasmiy tashrifi davomida Vengriyaning yirik kompaniya va banklari rahbarlari bilan uchrashdi.

Qayd etilishicha, sanoat kooperatsiyasini kengaytirish va ilg'or texnologiyalar transferini rag'batlantirish maqsadida Toshkent viloyatida Yevropa kompaniyalari uchun maxsus sanoat zonasi tashkil etilmoqda. Ushbu hududni boshqarish Vengriyaning «Inpark» operatoriga beriladi.

Tadbir yakunida davlat rahbari huzurida ustuvor investitsiya loyihalarini amalga oshirish bo'yicha bitimlar almashish marosimi bo'lib o'tdi.

2025-yil 1-iyundan Bahrayn, Kuvayt va O'mon fuqarolari uchun O'zbekiston hududiga kirgan kundan e'tiboran 30 kunlik muddatga vizasiz rejim belgilanadi.

Prezident farmoniga muvofiq, 2025-yil yakuniga qadar:

respublika hududlariga 15,8 million nafar xorijiy turistlarining safarlarini tashkil etish, turizm xizmatlari eksportini 4 mlrd AQSH dollariga yetkazish;

ichki turizmni rivojlantirish hisobiga 40 million nafar mahalliy sayyohlarning hududlarga safarlarini tashkil etish, qo'shimcha 378 ta turoperator faoliyatini yo'lga qo'yish turizm sohasining asosiy maqsadli ko'rsatkichlari etib belgilandi.

Shuningdek, 2025-yildan har yili 30-noyabrga qadar kelgusi yil turizmni rivojlantirish bo'yicha hududiy dasturlar ishlab chiqiladi. Har yili noyabr oyining 3-haftasida Xalqaro turizm haftaligi tashkil etiladi.

2025-yil iyun oyidan «O'zbekiston bo'ylab sayohat qil!» dasturini amalga oshirish uchun har oy 2-haftasining shanba va yakshanba kunlari «Oila va jamoa bilan sayohatga chiqish kuni» etib belgilandi.

YANGI O'ZBEKISTON – YANGI ICHKI ISHLAR ORGANLARI

Farg'ona viloyati

Islohotlarning yorqin namunasi sifatida Farg'ona tumani Ichki ishlar bo'limi uchun yangi bino qurildi hamda foydalanishga topshirildi.



Binoning foydalanishga topshirilish marosimida Farg'ona viloyati hokimi Xayrullo Bozorov, Ichki ishlar vaziri o'rinbosari, general-mayor Bekmurod Abdullayev hamda viloyat Ichki ishlar boshqarmasi boshlig'i, general-mayor Azizbek Ikramov, shuningdek, soha faxriylari va jamoatchilik vakillari ishtirok etishdi.

«Sanoat» mahallasi Chimyon ko'chasida bunyod etilgan ushbu ma'muriy bino 2 qavat-

dan iborat bo'lib, nazorat o'tish joyi, fuqarolarni qabul qilish xonasi, 77 ta xizmat xonasi, ma'rifat zali, avtoturargoh, garaj, omborxona hamda saf maydonini o'z ichiga oladi.

Shu kuni Ichki ishlar vazirligi tomonidan bo'lim shaxsiy tarkibiga 1 ta «Damas» va 2 ta «Niva» rusumli xizmat avtomashinalari ham tantanali ravishda topshirildi.

O'z muxbirimiz.

Farg'ona viloyati.



AYOL VA JAMIYAT

NOZIK YELKADAGI KATTA MAS'ULIYAT

Xalqimizda «Qo'shning tinch – sen tinch», degan maqol bor. Bu hikmatning mazmuni kundek ravshan, munozaraga o'rin yo'qdek ko'rinadi. Lekin «Qo'shning tinch bo'lmog'i uchun o'zing nima qilishing kerak?» degan savol qo'yilsa, odam o'ylanib qoladi...

1977-yilda tug'ilgan Sh.Ismoilova va 1980-yilda tug'ilgan M.Alimova Bektemir tumani «Iqbol» mahallasida ancha yillardan buyon qo'shni bo'lib yashab keladi. Ular tirikchilik maqsadida xususiy klinika darvozasi yonida mayda-chuyda sotib o'tirardi. Ba'zan joy, ba'zan xaridor talashib-tortishib qoladigan bo'ldi. Oxir-oqibat arzimagan vaj, bahona bilan ham bir-birini haqorat qiladigan darajaga borib yetishadi.

Ayollar o'rtasidagi mushtlashuv ichki ishlar organi xodimlari aralashuvi bilan yakun topadi...

– Biz har ikki ayol bilan profilaktik suhbat o'tkazdik. Yomon qo'shnidan qutulishning yo'llaridan biri – har bir odamning o'zi yaxshi bo'lishga harakat qilishi kerakligi, ya'ni birovga qilinajak yomonlik ham, yaxshilik ham qo'shnidan boshlanishini misollar orqali tushuntirishga harakat qildik, – deydi Bektemir tumani IIOFMB 2-sonli IIB HPB xotin-qizlar masalalari bo'yicha katta inspektori, kapitan Sobira Rahmonova. – Qolaversa, ayol kishi jamoat oldida o'zini bunday betartib tutishi bilan, avvalo, o'zining sha'ni va qadr-qimmatini toptasa, qolaversa, qonun oldida ham javobgarlikka tortilishi haqida ogohlantirildi. Har ikki ayol ham xatolarini tushunib yetishdi va bir-biridan uzr so'rab, kelishib olishdi.

Kapitan Sobira Rahmonova xizmat faoliyatida bu kabi misollarni ko'plab



keltirish mumkin. 2020-yildan Bektemir tumani IIOFMB 2-sonli IIB HPB xotin-qizlar masalalari bo'yicha katta inspektori vazifasida ishlab kelmoqda. U «Iqbol», «Chashma», «Gulbog'», Abay nomli mahalla fuqarolar yig'iniga xizmat ko'rsatadi. Maktab bilan ham hamkorlikni to'liq yo'lga qo'ya olgan. Voyaga yetmagan qizlar bilan alohida shug'ullanadi. Ularning davomatlarini doimiy nazoratda ushlashga harakat qiladi.

Lavhamiz qahramoni 2021-yilda «Yil ayoli» milliy tanlovining tumanlararo bosqichida qatnashib, «Yilning eng vatanparvar ayoli» nominatsiyasi

bo'yicha taqdirlangan. «Yosh kitobxon», «Zukko kitobxon», «Fidoyi ayol», «Konstitutsiya bilimdoni», «Zakovat» kabi bir qancha ko'rik-tanlovlarda qatnashib, doimo faxrli o'rinlarni qo'lga kiritib keladi. Bundan tashqari, shaxmat, shashka, voleybol kabi sport musobaqalarida ishtirok etib, o'z iqtidorini namoyon etib kelmoqda.

Lavhamiz qahramoni ishdan ajralmagan holda, Jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universitetining 3-kursida tahsil olmoqda.

Adolat FAYZIYEVA,
o'z muxbirimiz.

Toshkent shahri.



Қонунчиликдаги янгиликлар

РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ
ЯНАДА ЖАДАЛЛАШАДИ

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига сунъий интеллект технологияларини кенг татбиқ қилиш, «марказ–худуд–маҳалла» ягона технологик ёндашувини жорий этиш ва ахборот маконида рақамлаштириш жараёнлари натижадорлигини янада ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 апрелдаги «Ички ишлар органлари тизимини рақамли трансформация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ана шу мақсадда қабул қилинди.

Ушбу қарор билан қуйидаги ҳужжатлар тасдиқланди:

► Ички ишлар органларида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати;

► Худудий ички ишлар органларида рақамли инфратузилмани шакллантириш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати;

► Ягона интерактив давлат хизматлари порталида кўрсатилаётган хизматларни мақбуллаштириш орқали аҳолига давлат хизматларини проактив ва композит шаклларда кўрсатиш дастури;

► Ички ишлар органлари фаолиятига сунъий интеллект технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантириш концепцияси;

► Вазирлик ва идораларнинг ички ишлар органлари ахборот тизимлари, маълумотлар базаларига узатиладиган маълумотлари рўйхати.

Мазкур қарорга мувофиқ, ИИБ Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси, Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар бош маркази ҳамда уларнинг худудий бўлинмалари негизида **ИИБ Рақамли технологиялар ва ҳуқуқий статистика департаменти** ташкил этилди.

Қарорга асосан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки

(IT-парк) ва унинг худудий филиаллари резидентларини илғор стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун акселерация ва инкубация дастурларига ҳамда стартап студияларга Бирлашган Араб Амирликлари тажрибаси асосида жалб этилади.

Шунингдек, акселерация ва инкубация дастурларига ҳамда стартап студиялар ташкил этиш учун Ички ишлар вазирлиги балансидаги бинолар ажратилади. Мавжуд муаммоларни бартараф этишга мўлжалланган стартап лойиҳаларни яратиш мақсадида иқтидорли ёшларни жалб этган ҳолда ҳакатонлар ташкил этиш ҳам мумкин бўлади.

Мазкур ҳужжат ички ишлар идораларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига янгича усуллар билан ёндашувининг ҳуқуқий асосларидан бирини яратади. Бундан ташқари, сунъий интеллект технологияларини кенг татбиқ этиш йўли билан ҳамюртларимизнинг тинчлигини таъминлашда янада кенгроқ кафолатлар яратилишига хизмат қилади.

2025 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, Ички ишлар вазирлиги мамлакатимизда кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида ягона ишлаш амалиётини йўлга қўйиш, бу борада барча масъул давлат органлари ва муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда манзилли ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланган.

КИБЕРЖИНОЯТЛАРДАН ҲИМОЯ
ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН

Бундан ташқари, қарорда норматив-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш мақсадида «Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб

бўлинмаларига тақдим этиб бориш белгиланган.

Эндиликда Ички ишлар вазирлиги Бош прокуратура ва Марказий банк билан биргаликда кибержиноятларга қарши курашишда тезкорлик билан маълумотлар узатиш ва келиб тушаётган мурожаатлар бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш мақсадида электрон маълумотлар алмашув платформаси фаолиятини йўлга қўяди. Бундан буён ҳар ой якуни бўйича тизимда энг кўп кибержиноятлар (заифликлар ва камчиликлар натижасида юзага келган) қайд этилган банклар ва тўлов ташкилотлари рўйхати оммага эълон қилинади.

Марказий банк томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг транзакцияларини мониторинг қилиш орқали аҳоли пул маблағларини жалб қилишга қаратилган фирибгарлик схемалари («молиявий пирамида») аломатлари ёки шубҳалар мавжуд бўлган ҳолатлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тезкор хабар бериш тартиби белгиланди.

Мазкур қарор мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини кибержиноятлар қурбони бўлишдан ҳимоя қилишга қаратилган асосли маълумотлардан хабардор бўлиш тизими яратилиши натижасида ўз мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатли ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

чиқиш ва зифаси ҳам белгиланган. Шунингдек, кибержиноятларни фош этиш механизмлари сифатида уларни барвақт тўхтатиш ва тезкорлик билан фош этиш, пул маблағларининг республика худудидан чиқиб кетишининг олдини олиш; ички ишлар органлари масъул бўлинмалари сўровига асосан шубҳали пул ўтказма амалиётларига алоқадор банк карталарини тезкорлик билан блоклаш; шубҳали пул ўтказма амалиётларига алоқадор банк карталари ҳақидаги маълумотларни зудлик билан ички ишлар органлари масъул





Молодежь — наше будущее

О ЗАКОНАХ ИЗ ПЕРВЫХ УСТ

В целях углубления правовой грамотности и повышения интереса к государственным институтам молодые сотрудники системы Министерства внутренних дел Республики Узбекистан посетили Законодательную палату Олий Мажлиса.

В ходе визита участники ознакомились с организацией деятельности палаты, ключевыми этапами формирования законов, а также с порядком рассмотрения и утверждения законопроектов.

Сотрудники МВД встретились с депута-

тами, которые рассказали о своей работе, акцентируя внимание на взаимодействии с правоохранительными органами. Особое место в беседе заняли вопросы укрепления правовой культуры и роли молодежи в процессе реформ.

В неформальной обстановке участники получили возможность задать интересующие их вопросы, обсудить актуальные вызовы и обменяться мнениями с представителями законодательной власти.

Соб. корр.



ОРЕЛ, ГОТОВЫЙ К ПОЛЕТУ

В Академии МВД состоялась олимпиада по правоведению, в которой приняли участие 14 подростков. Один из них – учащийся второго курса Сырдарьинского академического лицея МВД Фарходжон Хамзаев – с сосредоточенностью и уверенностью отвечал на тестовые задания.

Фарходжон родился в 2007 году в Сардобинском районе. Его отец, Хуршид Хамзаев, – предприниматель и фермер. Фарходжон – старший из четырех детей. Завершив обучение в девятом классе общеобразовательной школы, успешно поступил в Сырдарьинский академический лицей МВД.

Здесь созданы все условия для полноценного освоения учебной программы. Подросток, выросший в степной местности, проявил себя как старательный и целеустремленный ученик, чем привлек внимание преподавателей. Особую роль в его становлении сыграл преподаватель правове-

дения Наби Холмирзаев. Заинтересованное общение между наставником и учеником переросло в регулярные индивидуальные занятия, значительно расширившие рамки базовой программы.

Под руководством требовательного и заботливого педагога Фарходжон изучал ключевые направления правоведения – государственное, уголовное, административное и гражданское право. Эти занятия дали ощутимые результаты: он неоднократно становился призером городских и областных олимпиад. В дальнейшем он углубил знания в области структуры государственной вла-

сти, административного управления, полномочий законодательной, судебной и исполнительной ветвей власти.

На последней олимпиаде, прошедшей в Академии МВД, он успешно справился с тестами и практическим заданием, заняв почетное третье место.


Сегодня Фарходжон целеустремленно готовится к поступлению в Академию МВД, стремясь в будущем служить в органах внутренних дел и внести вклад в обеспечение правопорядка и законности.

Абдурахмон МУСТАФОКУЛОВ,
соб. корр.

Сырдарьинская область.



TAYINLANDILAR




**Podpolkovnik
Sulaymonov Abdurasul
Komilxonovich –**
Samarqand shahar
bo'yicha IIOFMB
boshlig'i lavozimiga



**Podpolkovnik
Qo'ziyev Sherzod
Xudoyazarovich –**
Jomboy tumani
IIB boshlig'i
lavozimiga




**Podpolkovnik
Xalimov Ulug'bek
Anvarovich –**
Pastdarg'om tumani
IIB boshlig'i
lavozimiga



**Podpolkovnik
Eshnazarov Tadjiddin
Jurakulovich –**
Paxtachi tumani
IIB boshlig'i
lavozimiga



**Podpolkovnik
Yuldashev Azizjon
Shuxratovich –**
Nurafshon shahar
IIB boshlig'i
lavozimiga



**Podpolkovnik
Ashurov Alisher
Anvarjonovich –**
Farg'ona shahar
IIB boshlig'i vazifasini
bajaruvchisi lavozimiga

KO'RIK-TANLOV

NAMUNALI OILA – JAMIYAT POYDEVORI



Oila – jamiyatning asosiy bo'g'ini. Biz oilada farzandlarimiz, millatimiz vorislarini tarbiya qilamiz.

Oila mustahkamligi masalasiga umumdavlat miqyosida e'tibor qaratilayotgani uning ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy-ma'naviy vazifalar tizimidagi o'rni va ulkan ahamiyatini yaqqol ko'rsatib turibdi.

IIV Madaniyat saroyida bo'lib o'tgan «Namunali oila» ko'rik-tanlovining yakuniy respublika bosqichida 18 nafar xodim va ularning oilalari ishtirok etdi.

Yakuniy natijalarga ko'ra, Andijon shahar bo'yicha IIOFMB 1-sonli IIB HPB profilaktika inspektori, **kapitan Xurshidbek Jo'rayevlar oilasi** hamda Farg'ona shahar IIB 4-sonli IIB Navbatchilik qismi katta inspektor-navbatchisi, **mayor Ahrorjon Sobirovlar oilasi 3-o'rinni** egallashdi. Buxoro viloyati IIB Jamoat xavfsizligi xizmati YHXB axborot guruhi katta mutaxassisi, **kapitan Ulug'bek Shukurlayevlar oilasi 2-o'rinni** zabt etishdi. IIV Jamoat xavfsizligi departamenti Probatsiya

boshqarmasi muhim topshiriqlar bo'yicha inspektori, **podpolkovnik Sanjar Isayevlar oilasi faxrli 1-o'ringa** munosib topildi.

– Oilamiz bilan tanlovga puxta tayyorgarlik ko'rgandik. Ishtirokimizning o'zi g'alabamiz bo'ldi. Ko'plab tajribalar orttirdik. Ishonamanki, kelgusida yana boshqa tanlovlarda qatnashib, yuqori natijalarni qayd etishga astoydil harakat qilamiz. Hamkasblarimga ham omad tilab qolaman, – deydi kapitan Ulug'bek Shukurlayev.



Shu bilan birga, «**Vatanparvar oila**», «**Ibratli oila**», «**Kitobxon oila**» kabi nominatsiya g'oliblari ham munosib taqdirlandilar.

Mazkur tanlov xodimlar va ularning oila a'zolari iste'dodlarini yuzaga chiqarish, yosh avlodni vatan-

parvarlik ruhida tarbiyalash, tizimda xizmat qilayotgan xodimlar va ularning oila a'zolarini har tomonlama qo'llab-quvvatlashda muhim omil bo'ldi, desak, mubolag'a bo'lmaydi.

Madina QAHHOROVA,
o'z muxbirimiz.

INSON VA SHAYTON



Ba'zilarga hayron qolasiz. Qilg'ilikni qilib qo'yadi-da, «bilmay qoldim, shayton yo'ldan urdi», deydi... To'g'ri, odamzod qonida shayton vasvasasi aylanib yurishi – bor gap. Ammo... Shunaqangi erkaklar borki, qirqta urg'ochi shaytonni bolalatib tashlaydi. Shunaqangi ayollar borki, qirqta erkak shaytonni aliment to'laydigan qilib qo'yadi... Hamma aybni shayton sho'rlikka to'nkayvermang!

O'tkir Hoshimovning «Daftar hoshiyasidagi bitiklar» kitobidan.



www.postda.uz



t.me/postdarsmiy



www.facebook.com/postdauz



www.instagram.com/postda_uz

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

ИШОНЧ – МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ҚАНОТ

– Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ, – деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги сўзининг бошида. – Шу боис янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратишимиз шарт ва зарур.

Юртимизда сифатли таълим-тарбия тизимини юксак даражага кўтаришда мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган видеоселектор йиғилишида билимсеварликка пойдевор қўйилишида таълимнинг қўйи босқичларининг ўрни жуда муҳим эканлигига эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ёшларни нуфузли хорижий университетларда ўқитиш масаласига алоҳида тўхталди. Фарзандларимиз жуда иқтидорли экани, фақат уларни тўғри йўналтириб, мақсадли тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

– Инсон нима бўлганида ҳам ҳаракатдан, интилишдан тўхтамаслиги керак, – дейди Польшанинг Варшава университети IT йўналиши талабаси ҳамда дунёнинг энг йирик компанияларидан бири бўлган IBM дастурчиси Баҳодир Ражабов. – Ўз

устида ишлашдан зериккан одамда эртанги кунининг мазмуни йўқола бошлайди. Мақсадни тўғри қўйиб, унга элтувчи йўлдан оғишмай давом этиш керак. Менда болаликдан жамиятда ўз ўрнини топишим керак, деган муддаони уйғотган инсонлар ота-онам ва устозларим бўлган. Демак-



ки, бугунгача қўлга киритган ютуқларимда уларнинг беҳисоб ҳиссаси бор.

– Тошкент давлат юридик университетида бакалавр босқичини муваффақиятли

тамомлаб, айти пайтда АҚШнинг Penn State университетида ҳуқуқ йўналиши бўйича магистратура босқичида таълим оляпман, – дея суҳбатимизга қўшилди Латофат Ражабова. – Тил ўрганишни болаликдан бошлаганмиз. Отам бизга инсон келажагини белгилловчи энг муҳим омил билим, дея ўқтирарди. У доим илм олишга ундовчи, катта мақсадлар сари руҳлантирувчи, хурсандчилик улашувчи инсон эди.

Билим – нур, инсон ўқиб-ўрганигани сайин унинг ақли, қалби ёришиб ҳаёти нурафшон бўлиб бораверади. Тошкент шаҳар ИИББ ППХБ 2-батальон 3-отряд милиционер-ҳайдовчиси, сержант Бобур Тўқсонов бу ақиданинг моҳиятини англаган ходимлардан эди. Бироқ кутилмаганда келган дард туфайли бу ёруғ оламни эрта тарк этди. Умида Тўқсонова турмуш ўртоғининг вафотидан қанчалар куюнса-да, қаддини тик тутиб, бор имконияти, эътиборини фарзандларининг илм олишга қаратди.

– Турмуш ўртоғим самимий, мулоҳазали, бағрикенг, касбини ниҳоятда яхши кўрадиган инсон эди, – дейди Умида Тўқсонова. – Асосий вақти ишда ўтарди.



бўйича хорижда таълим олиш ниятида. Опаси, акаси сингари, у ҳам ўзи танлаган касб сирларини мукамал ўзлаштиришига ишонаман.

Кези келганида қийинчиликлари бисёр бўлса-да, босиб ўтган умр йўлидан ҳузур, қониқиш туйиш юракка кейинги довол сари куч, ишонч бағишлайди. Зотан, ишонч – муваффақиятларга қанот. Буни сержант Бобур Тўқсоновнинг айти давларда орамизда бўлмаса-да, аёли, фарзандларига юқтирган иштиёқ, ишончи уларнинг эзгу амаллари, ютуқларидан ранг олган хурсандчилик онларига файз бағишлайдигани мисолида яққол кўриш мумкин.

Гулноза ТУРФУНБОЕВА,
ўз мухбиримиз.

Тошкент шаҳри.

ЎҚИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛАМАН

«VATAN» ЖУРНАЛИНИ ВАРАҚЛАБ...

Илм-фан, миллатнинг интеллектуал салоҳияти, сиёсий ва маданий тафаккурини юқори босқичга кўтариш янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларидан биридир. Бугун сизга ўқишни тавсия қилаётган «Vatan» журнали, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий форматда бўлиб, журнал ўз саҳифаларида мамлакатимиздаги энг илғор фикрли зиёлилар, олим ва сиёсатчилар учун жой беради.

Истаймизми-йўқми, ҳозирги қалтис вазиятларга тўла дунёда халқимиз, ёшларимиз кучли миллий мафкура билан қуролланган бўлиши керак. Мафкура эса миллий руҳ билан суғорилган миллий контентлар асосида, жумладан, етук ва тажрибали инсонларнинг Ватан, тарих, маданият, геосиёсат ва иқтисодиёт

мавзуларидаги таҳлиллари орқали шакллантирилади.

«Vatan»нинг жорий йилдаги биринчи сонида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназаров ҳазратлари билан суҳбат, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов, америкалик сиёсатшунос Фредерик Старр, Буюк Британиядаги Оксфорд исломшунослик тадқиқотлари маркази тадқиқотчиси Зилола Халилова ва яна бошқа кўплаб муаллифларнинг илмий таҳлилларга асосланган мақолалари журналнинг рангбаранг ва юқори савияда чоп этилишига катта замин яратган.

Айниқса, журнал саҳифаларида етук мутахассисларнинг иқти-



содий-геосиёсий мавзулардаги таҳлиллари ҳам эълон қилингани дунёда бўлаётган зиддиятларнинг асл илдизи қаерга бориб тақалишини тушунишимизга хизмат қилади.

«Европа уйғониш даври санъатида Тўмарис тимсоли», «Шимоллий Ҳиндистонни ҳимоя қилган туркийлар», «Амир Темур вақф қилган жез шамдонлар қандай йўқолган?», «Иқтисодий тизимнинг ҳақиқати», «Ҳабиб Абдуллаев Ўрта Осиё геология мактабини яратган аллома», «Диний радикализм аъёнлар инқирозими ёки янги реаллик?» каби бир-биридан қизиқарли ижод маҳсуллари сизларни асло бефарқ қолдирмаслигига ишонамиз.

Аброр ПОЁНОВ,
ўз мухбиримиз.



QAROR VA IJRO

XAVFSIZ MUHIT
YARATILADI

Namangan shahar IIB Qo'riqlash bo'limi tomonidan mahallalar, jamoat joylari va yashash xonadonlarida xavfsiz muhit yaratish, fuqarolar hayoti, sog'lig'i va mol-mulkiga har qanday tajovuzlarning oldini olish maqsadida huquqbuzarliklar profilaktikasiga zamonaviy raqamli texnologiyalar va texnik vositalar keng joriy etilmoqda. Xususan, shahar hududida 64 ta xalq xo'jaligi obyekti, 700 dan ortiq fuqaro xonadonlari hamda 33 ta ko'p qavatli uylarning kirish yo'laklari «Tashvish tugma»lari bilan jihozlanib, texnik qo'riqlovga olindi. Shuningdek, hududda faoliyat ko'rsatayotgan savdo va maishiy xizmat ko'rsatish shoxobchalariga «Hudud kamera nazorati ostida», «Obyekt qo'riqlovda» va

«Xonadon qo'riqlovda» kabi stikerlar yopishtirib chiqilmoqda.

Kriminogen vaziyati og'ir hududlarga qo'riqlash xizmati tezkor harakatlantiruvchi guruhining avto hamda motopatrullari tomonidan «Qizil nuqta» bo'yicha xizmat tashkil etilayotganini alohida e'tirof etish joiz. Ya'ni, aholi gavjum joylar, bozorlar, masjidlar, supermarketlar, yirik savdo markazlarida tashkil etilgan maxsus patrullik xizmati xodimlari shubha uyg'otgan shaxslarning kimligiga oydinlik kiritmoqda. Bu yo'nalishdagi ishlarimiz natijasida huquqbuzarliklarni aniqlash imkoniyati yaratilmoqda.

Bekzod MAHMUDJONOV,
Namangan shahar IIB Qo'riqlash
bo'limi boshlig'i o'rinbosari,
mayor.

XOTIRA UYG'ONSA GO'ZALDIR

NOMI DILLARDA BARHAYOT

O'shanda odatdagidek yig'ilishdan chiqib, xizmat joyiga yetib olish uchun yo'lovchi mashinada ketayotgan mayor kutilmaganda yonidagi notanish shaxsning oyog'i ostiga o'qotar qurolining bir dona o'qi tushib qolganini sezadi. U ekstremistik oqim yetakchilaridan biri bo'lib, o'zining xatti-harakatini sezib qolgan xodimga o'q uzadi...



Suratda: Sharifjon Tursunovning turmush o'rtog'i va o'g'li.

Hayot abadiy emas, lekin yurt tinchligi yo'lida olib borilgan qahramonlik inson nomini aziz, unutilmas qiladi. O'z nomini abadiylikka daxldor qilgan o'g'lonlarning o'so'yishtaligimiz yo'lidagi kurashlari tillardan-tillarga ko'chib yashayveradi.

1950-yilda Namangan tumanida tug'ilib, kamolga yetgan Sharifjon Tursunovning aziz nomi hamon dillarda barhayot. U 1997-yil 24-mart kuni ekstremistik oqim yetakchilaridan biri uyushtirgan suiqaqd tufayli halok bo'lgan. Mayor Sharifjon Tursunov umrining oxirgi yillarida Namangan shahar Ichki ishlar bo'limiga qarashli tibbiy hushyorlik bo'limi boshlig'i lavozimida faoliyat olib borgan.

Namangan tumanining Qumqo'rg'on qishlog'ida Tursunovlar oilasini ko'pchilik yaxshi taniydi. Yetti farzand-

ning to'rtinchisi bo'lgan Sharifjon armiya safidan qaytgach, ichki ishlar organi sohasida haydovchi sifatida xizmat faoliyatini boshladi. Xizmatdan ajramagan holda, Namangan davlat pedagogika institutida sirdan tahsil oldi.

Sharifjon Tursunov vafotidan so'ng, Prezident farmoniga ko'ra, «Jasorat» medali bilan taqdirlandi.


– Turmush o'rtog'imning vafotidan so'ng Ichki ishlar boshqarmasi tomonidan moddiy va ma'naviy yordam ko'rsatib kelindi. Meni imtiyozli ravishda Haj ziyoratiga ham jo'natishdi. Farzandlarim kamolga yetib, oilali bo'lishdi. Nabiralar ko'rdim. Lekin har doim u kishining o'rni bilinadi, – deydi Xatichaxon opa.

– Farzandlarimga otam haqida ko'p so'zlab beraman. Bayramlarda, muhim sanalarda otamning nomini eslab,

bo'limi, 2023-yilda Uychi tumani M va FRB katta inspektori lavozimlarida samarali faoliyat olib bordi.

Sanjar bir necha bor boshqarma futbol jamoasi tarkibida to'p surib, ko'plab musobaqalar g'olibi bo'lgan. Stol tennisi bo'yicha ham unga teng keladigani topilmaydi. Bir necha bor stol tennisi bo'yicha ham viloyat bosqichi musobaqalarida yaxshi natijalarni qo'lga kiritgan.

Gulchehra BUVAMIRZAYEVA,
o'z muxbirimiz.



viloyat ichki ishlar boshqarmasi, tuman IIB rahbariyati yo'qlab kelishadi. Ana shunday lahzalarda otam bilan yanayam faxrlanib ketaman, – deydi kapitan Nodirbek Tursunov.

U ota kasbini davom ettirib, Namangan tumani IIB JXX HPB profilaktika katta inspektori lavozimida halol va vijdonan xizmat qilib kelmoqda.

Ilhomjon TURG'UNBOYEV,
katta leytenant.



ЁШЛАР — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

ГЕНЕРАЛ БИЛАН УЧРАШУВ



Қўқон университетиди Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Бекмурод Абдуллаевнинг ёшлар билан юзма-юз мулоқоти бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида олийгоҳ ҳовлисида ҳарбий техникалар ва тезкор вазифаларни бажарувчи

сафарбар отряди ходимларининг кўргазмалари чиқишлари, миллий хунармандчилик намуналари кўр-



газмаси йиғилганларнинг эътиборини тортди.

Шу кун китоблар ярмаркаси билан биргаликда ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликдаги меҳнат ярмаркаси, ҳуқу-

қий маслаҳат майдони ҳам ташкил қилинди, малакали ҳуқуқшунослар томонидан маҳорат дарслари ўтказилди. Маданият ва санъат ходимлари томонидан намоиш этилган концерт дастури ҳам иштирокчиларга жуда манзур бўлди.

Ёшларни кўрикдан ўтказиш ва малакали тиббий маслаҳатлар бериш мақсадида кўчма тиббиёт пункти йўлга қўйилгани ҳам йигит-қизларга қўшимча имконият яратди.

Самимий руҳда ўтган учрашув давомида ёшларнинг мурожаатлари ижобий ҳал этилди, тегишли маслаҳатлар берилди. Тадбир жараёнида бир гуруҳ фаол ёшлар муносиб тақдирланди.

Абдувосит СИДИҚОВ,
ўз мухбиримиз.

Фарғона вилояти.

ФАОЛИЯТ ВА САМАРА

«ХАВФСИЗ ВА СОҒЛОМ ЮРТ» ТЕЗКОР-ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРИ:

НАТИЖАЛАР РАҚАМЛАРДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, криминоген вазиятни барқарорлаштириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда зарур чоратadbирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар ИИББ томонидан жорий йилнинг январь ойида «Хавфсиз ва соғлом пойтахт» кенг қамровли тезкор-профилактик ойлиги ўтказилди. Ушбу ижобий тажрибани кенг миқёсда жорий этиш мақсадида мазкур тезкор-профилактик тадбир 15 апрелдан 15 майга қадар бутун мамлакатда ташкил этилди. Энг муҳими, бу ташаббус ўзининг кутилган натижаларини берди.

Шоҳрух ФИЁСОВ, ИИВ Ахборот хизмати раҳбари, полковник:

– Ички ишлар вазирлиги томонидан республика ҳудудида криминоген вазиятга салбий таъсир этувчи шахсларни аниқлаш, уларнинг фаолиятига чек қўйиш, шунингдек, ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга қаратилган комплекс тезкор-профилактик тадбирларни ўтказиш режаси ишлаб чиқилди. Вазирлик соҳавий хизматлари ва ҳудудий ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйиш мақсадида рейд тадбирлари ташкил этилди. Тадбир давомида интернет ижтимоий тармоғи орқали наркотиклар савдоси билан шуғулланувчи наркодўконлар, уларнинг администратор ва операторлари, «кладменлар» ва «закладкачилар»ни аниқлаш ҳамда фаолиятига чек қўйиш борасида тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилди. Хусусан, «закладкачилар» билан боғлиқ **75 та ҳолат аниқланиб, улардан 99 кг**

627 грамм гиёҳвандлик воситалари олинди. Шу билан бирга, гиёҳвандлик ва психотроп моддалар билан шуғулланувчи наркодўконларнинг рекламаси акс этган **3642 та наркографити** аниқланиб, бартараф қилинди. Мазкур графитларни чизган **8 нафар шахс** тегишли тартибда маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тезкор тадбирлар давомида қўлга олинган шахслар ва жиноий гуруҳлардан **113 та пневматик қурол, 99 та ов қуроли, 1021 та патрон, 2452 та совуқ қурол** олинди. Тергов ва суд органларидан яшириниб юрган **808 нафар қидирувдаги шахс ушланиб, 383 нафар бедарак йўқолган фуқаро** топилди.

Отабек ШАРИПОВ, ИИВ ЖХД Жамоат тартибини сақлаш хизмати бошлиғи, подполковник:

– Тадбир доирасида амалга оширилган ишларга шаҳар-туман ички ишлар органлари раҳбарлари масъул этиб белгиланди. Асосий эътибор профилактик тадбирларга, айниқса, ёшлар ўртасидаги кенг қамровли тушунтириш ишларига қаратилди. Кўнгилочар

жойларда профилактик тадбирлар, тунги рейдлар ўтказилиб, криминоген вазияти оғир ҳамда қўшни республикалар билан чегара ҳудудлардан вилоят марказларига борувчи асосий йўлларда «Сайёр патруль» гуруҳларининг фаолияти ташкил этилди.

Ҳотам ҚОДИРОВ, ИИВ ЖХД Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бошлиғи, полковник:

– Ҳамкорликда олиб борилган хизмат фаолияти ҳамда тизимли иш жараёни рақамларда ҳам ўзифодасини топиб, жиноятчиликни жиловлашда самарали натижаларга эришилди. Тезкор-профилактик тадбир доирасида амалга оширилган ишлар, профилактик тадбирлар натижасида 15 апрелдан 15 майга қадар бўлган вақт оралиғида ўтган 30 кунга нисбатан республикада олдини олиш мумкин бўлган **жиноятлар 36 фоизга камайди. Жами жиноятлар 30 фоизга, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар 53 фоизга камайди. Аниқландиган жиноятлар эса 30 фоизга кўпайишига эришилди.**

Эрали БОЗОРОВ, ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошлиғи ўринбосари, полковник:

– Кенг қамровли тезкор-профилактик тадбир давомида мавжуд ЙПХ масканлари, блок ва тўсиқ постларига ҳудудий ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари бириктирилиб, транспорт воситаларида ноқонуний буюмлар ва тақиқланган моддаларни олиб юриш

бўйича ҳолатлар юзасидан текширувлар ўтказилди.

Ноқонуний муомаладан **жами 334 кг 266 грамм гиёҳвандлик воситалари, 68 минг 429 дона кучли таъсир қилувчи дори воситаси олинди, таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган 91 минг 433 туп ўсимлик етиштирилаётгани аниқланди. Жумладан, 640 грамм героин, 124 кг 371 грамм опий, 94 кг 759 грамм гашиш, 52 кг 26 грамм марихуана, 39 кг 548 грамм кўкнор, 22 кг 899 грамм синтетик гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига чек қўйилди.** Аҳоли саломатлигини таъминлаш борасида олиб борилган тадбирлар натижасида соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари билан ҳамкорликда **11906 нафар шахс мажбурий даволанишга, 37000 нафар шахс ҳушёрхонага, назоратсиз ва қаровсиз қолган 2232 нафар бола вояга етмаганлар марказларига, 571 нафар шахс эса реабилитация марказига жойлаштирилиб, уларнинг саломатлигини тиклаш бўйича тиббий ва психологик кўмак кўрсатилди.**

Умуман олганда «Хавфсиз ва соғлом юрт» тезкор-профилактик тадбири минглаб ёшларни гиёҳвандлик ботқоғидан қутқарди, юзлаб килограмм заҳри қотилнинг мамлакатимиз бўйлаб тарқалишининг олди олинди. Кўплаб юртдошларимиз, ёш-йигит қизлар яна соғлом ҳаётга, оиласи бағрига қайтарилди.

Ички ишлар вазирлиги томонидан бу каби самарали лойиҳалар келгусида бошқа йўналишларда ҳам давом эттирилади.

Ўз мухбиримиз.



Республика Каракалпакстан

Эти данные были озвучены на пресс-конференции, организованной Управлением безопасности дорожного движения СОБ МВД Республики Каракалпакстан.

Перед началом мероприятия представители СМИ посетили новое здание Центра административной практики управления, ознакомились с созданными условиями для водителей, технической базой и автопарком управления. В ходе пресс-конференции была представлена подробная информация о принимаемых мерах по обеспечению безопасности дорожного движения, анализе причин ДТП, произошедших за первые четыре месяца текущего года, а также о планах на будущее.

В целях профилактики дорожно-транспортных происшествий с участием детей были организованы специальные учебные

В течение прошедшего года в Республике Каракалпакстан было зафиксировано 92 дорожно-транспортных происшествия. В результате пострадали 86 человек, 26 граждан погибли.



классы и тренировочные площадки в 306 общеобразовательных школах

и 212 дошкольных учреждений. На регулярной основе сотрудники ведом-

ства проводят там занятия для детей. В 2025 году подобные площадки до-

полнительно созданы еще в 195 школах и 105 детских садах.

– Более 40% ДТП связаны с наездами на пешеходов, 34% – со столкновениями автотранспортных средств, 12% – с опрокидыванием автомобилей. Основными причинами происшествий остаются превышение скорости, нарушение правил обгона, несоблюдение ПДД и недостаточный опыт водителей, – отметил младший инспектор Информационной службы управления рядовой Т. Отемуратов.

В завершение встречи журналисты и блогеры высказали ряд предложений по повышению уровня безопасности на дорогах и получили исчерпывающие ответы на интересующие их вопросы.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
соб. корр.



Безопасность и порядок

ПОД НАДЕЖНЫМ ПРИСМОТРОМ



В рамках оперативно-профилактического мероприятия «Безопасная и здоровая страна» Управление охраны УВД Андижанской области провело очередную агитационную акцию среди населения, разъясняя преимущества установки современных охранных сигнализационных систем.

Мероприятие было направлено на повышение осведомленности граждан о значении и преимуществах современных охранных сигнализационных систем. Представители правоохранительных органов информировали жителей о возможностях современных технологий обеспечения безопасности, а также рекомендовали устанавливать сигнализации в жилых домах, на объектах бизнеса и в частных владениях.

Отмечается, что установка охранных систем способствует своевремен-



ному реагированию на попытки несанкционированного проникновения, снижает риск имущественных преступлений и в целом повышает уровень безопасности в населенных пунктах.

Организаторы мероприятия подчеркнули, что подобные разъяснительные работы будут продолжены и в других районах области, с тем чтобы каждый житель понимал важность профилактических мер в обеспечении общественного порядка и защиты личного имущества.

Акция стала очередным шагом на пути к формированию безопасной, стабильной и благополучной среды для жизни граждан.

Соб. корр.



TIZIMNI XALQCHIL TUZILMAGA AYLANTIRISH YO'LIDA

TINCHLIK QADRI ISLOHOTLAR UYG'UNLIGIDA

Hamma zamonlarda ham el-yurt osoyishtaligini saqlash, xavfsizlikni ta'minlash, har bir insonning hayoti, sog'lig'i va mol-mulkini turli xavf-xatarlardan ishonchli himoya qilish eng muhim masalalardan bo'lib kelgan. Davlatimiz rahbarining tashabbusi bilan boshlangan ilk islohotlar ham aynan fuqarolarning salomatligi va xavfsizligini ta'minlash sohalariga doir bo'ldi. Bunda asosiy e'tibor ichki ishlar

qadri uchun» tamoyilining amaliy hayotda to'liq o'z aksini topish maqsadini ko'zlaydi.

MA'NAVIYAT BARQARORLIGI BARDAVOM

Ichki ishlar organlari xodimlarining zamonaviy qiyofasini yaratish, ularning mas'uliyati va kasbiy salohiyatini oshirish bo'yicha ham qator ijobiy ishlar qilindi. Osoyishtalik posbonlarini xizmat burchiga sadoqat, vatanparvarlik, halollik ruhida tarbiyalash, imijini



organlarini aholiga o'z vaqtida va sifatli yordam ko'rsatadigan, har bir xodimi tomonidan xalq manfaatlariga xizmat qilishni o'z burchi deb biladigan ijtimoiy yo'naltirilgan professional tuzilmaga aylantirishga qaratildi. Ichki ishlar organlari rahbarlari tomonidan fuqarolar bilan muloqot qilish, jinoyatlarni mahallalarning o'zida muhokama qilish, eng chekka qishloqlarga borib, aholining dardini eshitish amaliyoti yo'lga qo'yildi.

Islohotlar samarasi o'laroq, birinchi navbatda, xalq manfaatlariga xizmat qiladigan xalqchil tizim yaratildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Ichki ishlar organlarini xalqchil professional tuzilmaga aylantirish va aholi bilan yanada yaqin hamkorlikda ishlashga yo'naltirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi qarori ushbu yo'nalishdagi yana bir ulkan qadam bo'ldi.

Qaror bilan ichki ishlar organlarini aholining ishonchli himoyachisi sifatida xalqchil professional tuzilmaga aylantirish, ularning fuqarolar, jamoat tashkilotlari hamda keng jamoatchilik bilan yaqin hamkorlikda, o'zaro ishonch va hamjihatlikda ishlashini ta'minlash, mahallalar, aholi turarjoylari va butun yurtimizda qonun ustuvorligi, tinchlik-osoyishtalikni yanada mustahkamlash, bir so'z bilan aytganda, «Inson

oshirishga erishish vazirligi rahbariyatining doimo diqqat markazida. Islohotlar natijasida xodimlarning huquq va vakolatlari kengaydi, ayni paytda mas'uliyati ham oshdi, ularni huquqiy va ijtimoiy tomondan himoyalash asoslari yaratildi. Bugungi kunda ichki ishlar organlarining faoliyatini yanada takomillashtirish maqsadida shaxsiy tarkibni zimmasiga yuklatilgan vazifalarni bajarishga layoqatli, ma'naviy yetuk, ruhiy va jismoniy jihatdan barkamol, malakali xodimlar bilan jamlash choralari ko'rilmogda.

Ichki ishlar organlarida halol va pok yashashni o'zi uchun hayotiy e'tiqod, oliy maqsad deb biladigan vatanparvar xodimlar juda ko'p. Aynan shunday xodimlar va ularning fidokorona xizmatlari tufayli tizimda ma'naviyatning barqarorligi bardavomdir.

HAMMASI INSON QADRI UCHUN

Jinoyatchilikning yangi ko'rinishlariga qarshi kurashish uchun ularda zarur ko'nikmalar shakl-

So'nggi yillarda ichki ishlar organlarini chinakam xalqchil tuzilmaga aylantirish, aholi uchun barcha shahar va qishloqlarda xavfsiz yashash va mehnat sharoitini yaratish maqsadida keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmogda.

Shavkat MIRZIYOYEV

lantirilyapti. Sohani to'liq raqamlashtirish yo'nalishida muhim qadamlar qo'yildi. Bosqichma-bosqich ichki ishlar organlarining tayanch punktlari negizida mahalla huquq-tartibot maskanlari tashkil etilmogda.

Mahallalarda yaratilgan tizim – «fuqarobay», «oilabay» va «mahallabay» ishlash orqali huquqbuzarliklarning ijtimoiy profilaktikasini ta'minlash o'z samarasini berayotir. Xususan, har bir mahalla, oila va shaxs kesimida jinoyatchilikning sabablarini aniqlash va ularni bartaraf etish amaliyoti joriy etildi.

Jinoyatchilik holatidan kelib chiqib, tuman, shahar va mahallalar «qizil», «sariq» va «yashil» toifalarga ajratilib, mutassadirlar va jamoatchilik



XALQQA XIZMAT – OLIIY SAODAT

«Yangi O'zbekiston ichki ishlar organlari» tizimini yaratish maqsadida sohani zamonaviy bilimli, yuksak insoniy va professional salohiyatga ega bo'lgan yosh kadrlar bilan to'ldirishga alohida e'tibor qaratiladi. Ichki ishlar organlarida Jamoatchilik kengashlari davlat, fuqarolar va fuqarolik jamiyati institutlari bilan samarali hamkorlikni yo'lga qo'ygan holda, ichki ishlar organlari faoliyatini yanada jadal va har tomonlama rivojlantirishga qaratilgan sa'y-harakatlarni birlashtirmogda. Mazkur tuzilma zamonaviy shakldagi tizimli hamda samarali muloqotni tashkil etgan holda, o'zaro ijtimoiy manfaatlar kelishilishini ta'minlaydi.

Aholi ichki ishlar organlari xodimlarini nafaqat professional va mahoratli kasb egasi, balki muomala odobi va estetikasiga ega shaxs sifatida ko'rishni istaydi. Ijtimoiy tarmoqlarda xodimlarimizga nisbatan bildirilayotgan e'tiroz va tanqidlarning aksariyati muomala odobi va estetikaga tegishlidir. Shu sababli, bugun ichki ishlar organlari xodimiga muomala odobi va estetikasini o'qitish – hayotiy ehtiyojga aylandi.

Bir so'z bilan aytganda, asosiy maqsad – ichki ishlar organlarini xalqchil tuzilmaga aylantirish, tizimda o'z kelajagiga yangicha qaraydigan, Vatanga va xizmat burchiga sadoqat ruhida tarbiyalanayotgan, el-yurt xizmatiga shay, yuragi yonib, ko'zlaridan o't chaqnab turgan tashabbuskor va fidoyi kadrlarni tayyorlashdir.

Azizjon FAYZIYEV,
podpolkovnik.



bilan hamkorlikda «jinoyat o'choqlari»ni bartaraf etish uchun barcha zarur kuch va vositalar jalb qilinish orqali mamlakatimizda tinchlik va barqarorlikni ta'minlash choralari ko'rilyapti.



Maqolani
qoraqalpoq tilida
o'qish uchun
QR-kodni skaner
qiling.

BIZ KORRUPSIYAGA QARSHIMIZ!

VIJDON AMRIGA TAYANGAN INSPEKTOR

Yo'llarda harakatlanayotganda haydovchi yo yo'lovchimizmi, bundan qat'i nazar, qoidalarga amal qilish lozim. Zero, hushyorlik, qat'iy tartib o'zimiz va o'zgalar hayoti uchun muhim. Biroq oramizda boshqaruv menda-ku, deya ko'chada o'zi istaganidek harakatlanib, qoidalarni buzuvchilar ham uchrab turibdi.



Rustam (ismi o'zgartirildi) ham qoidalarga bepisandlik bilan qaraydiganlar toifasidan chiqib qoldi. Ayniqsa, ul-fatchilik deb, «shayton suvi»-ga mukkasidan ketdi. Ko'za kunda emas, kunida sinadi, deganlaridek, spirtli ichimlik iste'mol qilib, rulga o'tirgan Rustam bu gal manziliga yeta olmadi. Viloyat IIB JXX YHXB saf bo'linmalari yo'l-patrul xizmati batalyoni ikkinchi otryad uchinchi safarbar guruhi inspektori, leytenant Bunyod Yazdonov Samarqand shahri ko'chalarida xizmat olib borish jarayonida shubhali ko'ringan «Damas» avtomashinasini to'xtatib, haydovchi spirtli ichimlik ta'sirida transport boshqarib yurganini aniqladi. Unga nisbatan ma'muriy jazo qo'llanilib, avtomashina vaqtinchalik jarima maydonchasiga joylashtirildi.

Rustam YPX inspektoriga avtomashinasini jarima maydonchasidan chiqarib berish va rasmiylashtirilgan ma'muriy bayonnomani yo'q qilish evaziga 500 AQSH dollari miqdoridagi pullarni pora tariqasida taklif qiladi. Inspektor uning taklifini keskin rad etsa ham, qoidabuzar fikridan qaytmaydi.

– Pulni oling-da, ishga nuqta qo'ying, deb turib oldi, – deydi leytenant Bunyod Yazdonov. – Unga pora taklif qilishi o'rinsiz ekanligini tushuntirdim. Ammo u xatosini pora evaziga «yopdi-yopdi» qilish kerakligini aytdi. Bu kabi xato keyingi xatoni keltirib chiqarishi va kutilmaganda sodir bo'ladigan ko'ngilsiz hodisa kimningdir umriga zomin bo'lishini o'ylab, rahbariyatga bildirgi yozdim.

2021-yildan beri tizimda xizmat qilib kelayotgan Bunyod Yazdonov halollik, burchga sadoqat, qasamyodiga sodiqlikni oltin qoidaga aylantirgan. Otasi Ixtiyor aka, onasi Nasiba opaning «To'g'riso'zlik va halollikda hikmat ko'p, tanlagan kasbingda baraka topay, hayotda muvaffaqiyatlarga erishay, desang, vijdon amriga quloq sol», degan nasihatlariga amal qilib kam bo'lmayapti. Rafiqasi Irodaxon bilan farzandlari Iymona va Biloljonni ahil-inoqlikda tarbiyalashmoqda.

Aslida, hayotning mazmuni, baxtning kaliti, muvaffaqiyatlarning siri ham halollikda.

Umida
MAMADALIYEVA.
Samarqand viloyati.

MINNATDORLIK

MEN SIZDAN DAVO TOPDIM

Yoshim yetmish sakkizda. Ichki ishlar organlari tizimida chorak asr xizmat qildim. Xizmatni o'tash davrida xastalanib, harbiy tibbiy-mehnat ekspert komissiyasi xulosasiga asosan, II guruh nogironligi bilan pensiyaga chiqarildim.

O'n to'rt yil Navoiy shahar «Gulzor» mahalla fuqarolar yig'ini raisi, uch yil «Lochin» mahallasi posbonlar tuzilmasi sardori bo'lib ishladim. Mahalla tizimidagi xizmatlarim qadrlanib, 2004-yilda «Shuhrat» medali bilan taqdirlandim.

Prezidentimizning oqilona siyosati xalqimizning turmush farovonligini yaxshilash, faxriylar va nogironlarni ijtimoiy himoyalashga qaratilgani bilan alohida ahamiyat kasb etmoqda. Yaqinda IIVning Samarqand shahrida joylashgan Reabilitatsiya markazida davolanib chiqdim. Reabilitatsiya markazida davolanuvchilarning salomatliklari tiklanishi uchun barcha sharoitlar muhayyo qilingan, shuningdek, shinamgina kutubxona turli xil adabiy va badiiy kitoblar zaxirasiga ega. Televizor, isitish va sovutish vositalari bilan jihozlangan xonalar ozodalik posbonlarining doimiy nazoratida. Ovqatlar davolovchi shifokorlar va bemorlarning istaklari asosida sifatli tayyorlanadi va ovqatlanish vrach-diyetolog nazorati ostida amalga oshiriladi.

Reabilitatsiya markazida o'z kasbiga cheksiz mehr qo'ygan, chin ma'noda fidoyi insonlar mehnat qilayotganiga amin bo'ldim. Mazkur tibbiyot muassasasi shifokorlari va barcha xodimlaridan behad minnatdorman. Bizdek keksalar salomatligi yo'lidagi mehnatlaringizni qadrlayman. Aziz boshingiz omon bo'lsin!

Fayzullo JUMANAZAROV,
iste'fodagi kapitan.

Navoiy shahri.

NUQTAYI NAZAR

ISLOHOTLARGA G'OV ILLAT

Halollik, o'z ma'nosiga ko'ra, to'g'rilik, adolat, sofdillik, samimiylik, imon so'zlari bilan uyg'undir. To'g'rilik, halollikni singdirish insoniyat tarixidagi eng qiyin ishlardan bo'lgan. Buni yuksalishga erishgan davlatlar tarixini o'rganish davomida ham ko'rish mumkin. Buyuk bobokalonimiz Amir Temur halollik, rostlikni ichki va tashqi siyosatni yurgizishda, oila tarbiyasida, din-u diyonatga rioya etishda bosh qadriyat deb bilgan. «Temur tuzuklari»dagi «Rosti rusti» degan yozuv ham «Kuch – adolatdadir» degan ma'noni ifoda etgan.

Adolat so'zi ham arab tilida «halol, to'g'ri, rost, haqqoniy» degan ma'nolarni anglatib, dunyodagi barcha katta ijtimoiy, siyosiy va iqtisodiy islohotlar hamda o'zgarishlar aynan adolat, halollikni o'rnatishga da'vatdan boshlangan. Halollik va adolatning ro'yobga chiqishi jamiyat hamda shaxslarning ma'naviyatiga ham bevosita bog'liq bo'lib, to'g'rilikni hayotning bosh tamoyili deb bilgan boshqaruv tizimlarida yuksalish va qonun ustuvorligi barqaror o'rnatilgan.

Yangi O'zbekiston sharoitida halollik, to'g'rilik tamoyili hayotimizning bosh qadriyatiga aylanib, mavjud ijtimoiy illatlarga, xususan, korruptsiyaga qarshi kurashishda jamoatchilik rolini oshirish, kerak bo'lsa, to'g'rilik, halollikka barcha

vositalar bilan bo'lsa ham, o'rgatish masalasiga alohida kirishildi. Zero, korruptsiya – jamiyat hayotini turli yo'llar bilan iskanjaga oladigan, islohotlarga g'ov bo'ladigan dahshatli illatdir. U demokratiya va qonun ustuvorligiga putur yetkazadi, inson huquqlari buzilishiga, qonunchilikning izdan chiqishiga olib keladi, shuningdek, bozor iqtisodiyoti rivojiga to'siq bo'lib, hayot sifatini yomonlashtirish hamda odamlar xavfsizligiga tahdid soladigan salbiy holatlarning yuzaga kelishiga sabab bo'ladi.

Bu esa har qanday shaxsda, xoh u oddiy fuqaro, xoh mansabdor shaxs bo'lsin, davlatga va qonun ustuvorligiga nisbatan ishonchning yo'qolishiga hamda javobgarlik muqarrarlari prinsipining tanazzulga



uchrashiga sabab bo'ladi. Natijada mansabdor shaxslarning pora olish, tanish-bilish, urug'-aymoqchilik, guruhbozlik yoki mahalliychilik va mansab vakolatlarini suiiste'mol qilishni oddiy hol sifatida qabul qilishiga, fuqarolarda esa «pora bermasdan muammoni hal etish mumkin emas», degan fikrning shakllanishiga olib keladi.

Shunday ekan, korruptsiyaning oldini olish, barcha sohalar-

da jamoatchilik nazoratini keng joriy etish, ochiqlik va shaffoflikni ta'minlash maqsadida samarali tizimni shakllantirish yo'lidagi sa'y-harakatlarga barchamiz birdek mas'ulmiz!

Husnutdin ALLAMURADOV,
«Hududiy elektr tarmoqlari» AJ
Korrupsiyaga qarshi kurashish
va komplayens nazorat xizmati
boshlig'i.





Урок духовности и просвещения

НА ПУТИ ПРЕВРАЩЕНИЯ СИСТЕМЫ В НАРОДНУЮ СТРУКТУРУ

Как справедливо отметил Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев, обращаясь к сотрудникам ОВД: «Наш народ знает вас как верных своей священной присяге людей, посвятивших свою жизнь благородному делу обеспечения мира и спокойствия в стране, защиты прав и свобод граждан, и высоко ценит ваш нелегкий труд. Сотрудники системы ОВД служат прочной опорой государства и общества в успешной реализации реформ, осуществляемых в Новом Узбекистане на основе благородного принципа «Во имя чести и достоинства человека».

Эти слова главы государства подчеркивают ту высокую ответственность и значимость, которые возлагаются на сотрудников ОВД в процессе построения сильного и процветающего Узбекистана.

В условиях современной геополитической нестабильности, как подчеркнул Президент, обеспечение безопасности и территориальной целостности страны, укрепление мира и согласия в обществе приобретает особое значение. Именно поэтому реформированию органов внутренних дел в последние годы уделяется приоритетное внимание.

От декларации к действию: этапы масштабных преобразований

Процесс превращения ОВД в народную структуру не был одномоментным. Он включал в себя несколько этапов последовательных и глубоких реформ, направленных на системную модернизацию ведомства.

Первый этап был заложен в основу становления независимого Узбекистана и включал в себя формирование национальной правовой базы, определение основных принципов деятельности ОВД в новых социально-политических условиях.

Второй этап характеризовался углублением реформ, направленных на повышение профессионализма сотрудников, укрепление законности и правопорядка. В этот период были разработаны и внедрены новые образовательные программы для подготовки кадров, усилен контроль за соблюдением дисциплины и законности в деятельности ОВД.

Современный этап ознаменовался качественно новым подходом к реформированию системы МВД. Основной акцент был сделан на внедрении передового зарубежного опыта, инновационных подходов, достижений науки и цифровых технологий. Разрабатываются и внедряются эффективные методы организации повседневной деятельности ОВД по надежной защите жизни, достоинства и собственности граждан, в том числе в киберпространстве.

Ключевые направления и достижения реформ:

Ориентация на нужды граждан.

Одним из важнейших принципов реформирования стало смещение фокуса деятельности ОВД с формальных показателей на реальные потребности населения. Внедряются механизмы изучения общественного мнения, проводятся опросы и встречи с жителями для выявления проблем и определения

с гражданами. Особое внимание уделяется обучению сотрудников современным методам работы, в том числе в сфере цифровых технологий.

Борьба с коррупцией и повышение прозрачности.

Усилены механизмы внутреннего контроля, внедрены современные системы декларирования доходов и имущества сотрудников. Активно используются цифровые технологии для обеспечения прозрачности деятельности ОВД, минимизации бюрократических процедур и исключения коррупционных рисков.

Внедрение цифровых технологий.

Внедряются электронные системы учета преступлений и правонарушений, автоматизированные информационные системы для оперативно-розыскной деятельности, онлайн-платформы для обращения граждан и получения государственных услуг в



приоритетных направлений работы.

Укрепление взаимодействия с обществом.

Создаются и активно функционируют общественные советы при территориальных органах внутренних дел. Эти консультативно-советательные органы призваны обеспечить прозрачность деятельности ОВД, способствовать налаживанию конструктивного диалога между ОВД и населением, а также осуществлять общественный контроль за работой правоохранителей. Институт махаллинских инспекторов стал ключевым звеном, обеспечивающим непосредственное взаимодействие сотрудников с махаллинским активом, оперативное реагирование на проблемы граждан на местах и профилактику правонарушений.

Повышение профессионализма и культуры обслуживания.

Внедрены новые стандарты подготовки и переподготовки кадров, ориентированные на формирование высоких морально-этических качеств, уважения к правам и свободам человека, а также навыков эффективного общения

законные акты, направленные на усиление защиты прав граждан и повышение эффективности борьбы с преступностью.

Анализ достижений и перспективы развития.

Проведенные реформы уже принесли ощутимые результаты. Повысился уровень доверия населения к органам внутренних дел, улучшилось качество предоставляемых услуг, снизился уровень преступности в ряде сфер. Внедрение современных технологий позволило оптимизировать работу многих подразделений и повысить оперативность реагирования на правонарушения.

Однако процесс реформирования не завершен. Впереди стоят новые задачи и вызовы, связанные с обеспечением безопасности в цифровом пространстве, противодействием транснациональной преступности и экстремизму, дальнейшим укреплением законности и правопорядка.

Для дальнейшего успешного движения по пути превращения ОВД в подлинно народную структуру необходимо сосредоточить усилия на следующих ключевых направлениях:

Дальнейшее развитие механизмов общественного контроля и партнерства с институтами гражданского общества.

Углубление реформ в системе подготовки и переподготовки кадров с акцентом на формирование клиенто-ориентированного подхода и навыков работы в условиях цифровизации.

Активное внедрение искусственного интеллекта и больших данных для повышения эффективности аналитической работы и прогнозирования преступности.

Усиление мер по профилактике правонарушений, особенно среди молодежи, путем реализации комплексных социальных программ.

Повышение уровня правовой грамотности населения и формирование культуры законопослушания.

Принцип «Во имя чести и достоинства человека» должен стать не просто лозунгом, а основополагающим принципом работы каждого сотрудника ОВД. Только опираясь на доверие и поддержку народа, органы внутренних дел смогут в полной мере реализовать свою миссию по обеспечению безопасности, стабильности и процветания Нового Узбекистана.

Азиза БОХОДИРОВА,
майор.



сфере безопасности. Развивается система видеонаблюдения в общественных местах, способствующая профилактике преступлений и повышению уровня безопасности.

Улучшение материально-технического обеспечения.

Государством выделяются значительные средства на обновление автопарка ОВД, закупку современного оборудования, средств связи и криминалистической техники.

Совершенствование нормативно-правовой базы.

Постоянно ведется работа по совершенствованию законодательства, регулирующего деятельность ОВД, в соответствии с международными стандартами и передовым зарубежным опытом. Принимаются новые законы и под-



БИР ТУМАН ТАРИХИ

АВВАЛ «ИСВАСКОН», КЕЙИН «ИЗБОСКАН»

Избоскан тумани Андижон вилоятининг шимолида жойлашган. Олтинкўл, Балиқчи, Пахтаобод, Андижон ва Наманган вилоятининг Ҳаққулбод, Учқўрғон туманлари ҳамда Қирғиз Республикасининг Ўш вилояти билан чегарадош. «Избоскан» атамаси 1926 йил 29 сентябрдан юритила бошланган. Унгача ҳудуд Андижон уезди Пойтуғ волости деб аталган.



Туман номини Қўқон қишлоқ ўрамига қарашли Исваскон қишлоғи (ҳозирги Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоғи) номи билан аташ, марказини эса Чувама қишлоғи деб белгилаш ҳақида қарор қабул қилинган. «Исваскон» атамаси бора-бора «Избоскан» шаклига айланади. Бугунги кунга келиб «Исваскон» сўзи Маданият қишлоғида деярли унутилган.

1935 йилнинг март ойида Қўқон қишлоқ Тентаксой тумани номи билан Избоскандан ажралиб чиқди ва 1937 йилдан Пахтаобод тумани дея атала бошланди. Избоскан иккита туманга бўлинган кундан бошлаб, ўз марказини Чувамадан Пойтуққа кўчирди. 1962 йилда туманларни йириклаштириш мақсадида Пахтаобод тугатилиб, Избосканга қайта бирлаштирилди. 1972 йил январь ойида эса яна ўз ҳолича ажратиб юборилди.

«Избоскан» сўзининг маъноси ва келиб чиқиши ҳақида бир қанча талқинлар мавжуд. Ривоятларга қараганда, буюк саркарда Амир Темур даврида бу ҳудудлар тўқайзор, чангалзорлардан иборат бўлган. Амир Темурнинг аскарлари шу тўқайзорларда жанг олиб борган. «Лашкарларнинг қадами етган», «изи босилган» деган маънода кейинчалик «Избоскан» номи вужудга келган. Яна бир талқинда эса бу ерга «улуғлар изи босилган» маъноси назарда тутилади. Албатта, булар халқ орасида тарқалган ривоятлар. Аммо ҳар бир афсона ортида қисман бўлса-да, ҳаёт ҳақиқати ётади.

Туман маркази ҳисобланган Пойтуғ шаҳрининг номи ҳам ўзига хос тамаддунга эга. Манбаларга қараганда, «Пойтуғ» номи Ўрта Осиёнинг араблар томонидан забт этилиши тарихи билан боғлиқ. VII асрнинг охири VIII асрнинг бошларида араблар Ўрта Осиёга

юриш бошлаб, шаҳар ва қишлоқларни қўлга киритишган. Мовароуннаҳрни босиб олишда араб лашкарларига тажрибали саркарда Қутайба ибн Муслим бошчилик қилган. Бу томонларга Ҳазрати Али етиб келмаган бўлса-да, Қутайба томонидан қўлга киритилган барча зафарлар Али номи билан боғланган. «Пойтуғ» сўзининг этимологик таҳлили «Пой» — «қадам», «оёқ»; «туғ» эса «байроқ» маъносини ифодалайди. Иккала сўз бирикиб, «Пойтуғ»ни ҳосил қилган. Яъни, «Алининг қадами етиб, ишғол этилган ва ғалаба байроғи кўтарилган жой» маъносини беради. Шунданми, избосканликлар бу шаҳарни «Пойтуғи азиз» деб атайдилар.

Ҳа, Избоскан туман сифатида бир асрга яқин тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Ундан қалами ўткир адиб Қамчибек Кенжа, булбулзабон хонанда Дилнура Қодиржонова каби инсонлар етишиб чиқди.

Мозий ҳақида гап кетаркан, мазкур тумандаги ички ишлар тизимининг юзага келиши ва шаклланиши билан боғлиқ айрим маълумотларни ҳам эътиборингизга ҳавола этсак. 1922 йил ёзида ҳукумат топшириғи билан халқ милицияси отрядлари ташкил топа бошлади. Бу гуруҳга ҳалол, содиқ, сара йигитлар қабул қилинди. Халқ милициясининг маркази сифатида Пойтуғ гарнизони тузилди. 600 дан ортиқ йигитларни жамлаган гарнизон бир неча отрядларга бўлинган эди. Халқ милициясининг ташкил топиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўша пайтларда айрим босқинчи тўдалар томонидан тез-тез таланиб турган қишлоқларда осойишталик ҳукм сура бошлади.

Нигорахон ТЎХТАМАТОВА,
ўз мухбиримиз.

Андижон вилояти.

ХАВФСИЗ ТУРИЗМ



САЙЁҲЛАР ХОТИРЖАМЛИГИНИ ЎЙЛАБ

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятга 140 та хорижий мамлакатдан 76400 нафардан ортиқ сайёҳлар келиб, шаҳарнинг бетакрор тарихий обидаларини, азиз авлиёлар ва буюк аждодларимиз мангу қўним топган муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди.

Ташриф объектларида хизмат олиб бораётган соҳа ходимларига хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳлар турли масалаларда ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Булар орасида тиббий ёрдам кўрсатиш, манзилдан адашган ва йўналиш кўрсатиш туристларга хизмат кўрсатишга доир ҳамда бошқа масалаларда мурожаатлардир. Таҳлилларга қўра, ўтган тўрт ой давомида сайёҳлар сони 1 миллион 807 минг 457 нафарни ташкил этди.

Бошқарма ходимлари 2 та жиноятни «иссиқ изидан» фош этиб, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган 2 нафар қидирувдаги шахс ушланди.

Жойларда туристларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аҳолининг маданияти ҳамда меҳмондўстлик фазилатларини юксалтириш мақсадида учра-

шувлар ташкил этилиб, намоёйиш объектлари ва уларга туташ ҳудудларда истиқомат қилувчи ҳамда меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келаётган фуқаролар орасидан профилактик ҳисобда турувчи ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан 211 маротаба профилактик тадбирлар ўтказилди. Тадбирлар жараёнида 1507 нафар фуқаронинг шахсига аниқлик киритилди, 80 нафар шахс расмий огоҳлантирилди. Шунингдек, 3 нафар фуқаро вилоят наркология диспансерига жойлаштирилди.

Қисқаси, бу каби саъй-ҳаракатлар Ватанимиз тинчлиги, воҳамиз аҳолиси, меҳмонлар ва сайёҳлар хотиржамлигини таъминлашга ҳамда туризм жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Юлдуз УСМОНОВА,
лейтенант.

Бухоро вилояти.



ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

УМР МАЗМУНИ

Болалиги асосан пахта далаларида кечган Ҳамза ўзи туғилиб ўсган Қамаш туманидаги 39-мактабда ўқишни тугатиб, ҳарбий хизматга отланди. Полвон келбатлиги, чайирлиги унинг Тошкент вилоятида ҳарбий ҳаво десанти қўшинларида хизматни ўташига замин ҳозирлади. Ҳарбий хизматдан қайтгач, ички ишлар органларига ҳужжат топширди.

Синовлардан муваффақиятли ўтиб, илк хизмат фаолиятини 1998 йили Қарши шаҳар ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими милиционерлигидан бошлаган Ҳамза Нормуродов орадан бир йил ўтиб, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ Патруль-пост хизмати батальонида хизматни давом эттирди. Устозлари – ҳозирда истеъфодаги подполковник Абдисодиқ Шодмонов, истеъфодаги катта сержант Ҳошим Ҳасановдан касб сирларини ўрганиб, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишда муносиб ҳисса қўшди.

Қарийб чорак аср хизмат қилган лавҳамиз қаҳрамони фаолиятида кунлар тунга, тунлар тонгга уланган вақтлар кўп бўлди. Кўча ва жамоат жойларида ҳуқуқ-

бузарлик ёки жиноятга қўл урган шахсларнинг кирдикорларини фош этиш, кези келганда, адашган кимсаларни тўғри йўлга бошлашда жонбозлик кўрсатди.

Бундан тўрт йил олдин пенсияга кузатилган истеъфодаги катта сержант Ҳамза Нормуродовни бугун кўпчилик ўзига устоз деб билади.

– Ҳамза ака ўзидаги касбий билим ва тажриба, жонкуярлик, ички ишлар органи ходимиға хос салобат билан кўпчиликка ўрнак бўлган, – дейди батальон бошлиғининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Элбек Жуманов. – Қолаверса, у кишидаги вазиятга тўғри баҳо бериш хислатларини ёш ходимларга ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Турмуш ўртоғи Собира



Суратда: истеъфодаги катта сержант Ҳамза Нормуродов (ўртада оқ кўйлақда) oilаси билан.

Рўзикулова билан 4 нафар фарзанд тарбиясида собитқадам лавҳамиз қаҳрамони машаққатли хизмат фаолияти бесамар кетмагани, ортда қолган умри мазмун ила ўтганидан мамнун.

– Ҳар бир инсон ўз ҳаётидан, қилган ишларидан

қониқиш ҳиссини туйиши керак, – дейди фахрий. – Ана шундагина қалбан осойиш топади. Бу – жуда муҳим ва умрнинг мазмуни шу, аслида.

Оқработ қишлоғида яшайдиган Ҳамза Нормуродовнинг акаси, катта сержант

Байрамали ҳам узок йиллар йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида, укаси, сафдор Насибали эса жазони ижро этиш тизимида ишлаб, нафақага чиққан.

Содиқ РАҲИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Қашқадарё вилояти.

ҲАЛОЛЛИКНИ ШИОР ҚИЛГАН ХОДИМЛАР

ЛЕЙТЕНАНТ ВАСВАСАГА
УЧМАДИ

Гулистон шаҳридаги «Бўстон» маҳалласи профилактика инспектори, лейтенант Сарваржон Шодиев хизмат қилаётган маҳаллада 7 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. У маҳалладагиларни беш кўлда билди. Айниқса, ёшларни, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлашга аҳамият қаратади. Кейинги йилларда ҳамкорликда олиб борилган профилактик тадбирлар самараси ўлароқ маҳалла «яшил» тоифадаги маҳаллалар қаторига қўшилди. Лекин бу хотиржам юраверсак бўлади, дегани эмас. Эл орасида қўли эгри, қадами қийшиқ, нияти бузуқлар оз бўлса-да, учраб туради.

Шундай кимсалардан бири – Мирзаобод туманидан келиб шу маҳаллада ижарада яшаётган Асолат Жиянова (исм-шарифи ўзгартирилди)нинг ноҳя ишлари Сарварнинг қулоғига етиб келди. Қўшнилари билан берган хабарига кўра, икки фарзандли аёл виждон ва ор-номусни бир четга суриб қўйиб, ўзи ижарада турадиган хонадонда фоҳишахона ташкил этиб, уларнинг тинчини бузаётган экан.

Сарвар аввалига аёлга тегишли моддалар билан қонуний жавобгарликка тортилиши мумкинлигини тушунтирди. Лекин у профилактика инспекторининг гапини писанд қилмасдан, қилмишини давом эттираверди. Шундан сўнг тезкор тадбирда Асолат навбатдаги мижозларини 500 минг сўм эвазига икки соатга ижарага қўйган вақтида ушланди.

Шундан сўнг А.Жиянова жиноятини ёпиш, ишни терговга оширмаслик эвазига лейтенантга 2 миллион 800 минг сўм пора таклиф қилади. Бу иши ноқонуний эканини, бунга нисбатан ҳам қонуний чора кўрилиши мумкинлигини тушунтиришга қарамай, профилактика инспекторини ҳоли-жонига қўймайди.

Ўтказилган тезкор тадбир давомида А.Жиянова 2 миллион 800 минг сўм миқдордаги пулни пора сифатида бераётган вақтда қўлга олинди. Унинг ички ишлар органи ходимини йўлдан уриб, ўзининг қинғир ишини битириб олиш йўлидаги ҳаракати чиппакка чиқади.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,
ўз мухбиримиз.

Сирдарё вилояти.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ПЕНСИЯГА ЧИҚИШ УЧУН
ЭНДИ АРИЗА ШАРТ ЭМАС

■ Сана етиб келиши билан автоматик тарзда пенсия тайинланади.

■ Ўзбекистонда энди ёшга доир пенсия проактив шаклда, яъни фуқаронинг мурожаатисиз тайинланади. Бу 19 май куни Президент имзолаган қонун билан амалга оширилади.

клда) тайинланган пенсия миқдоридан норози бўлса ёки меҳнат фаолиятини давом эттириш ва кейинчалик ёшга доир пенсияга чиқиш истагини билдирса, у тайинланган ёшга доир пенсияни рад этиш ҳуқуқига эга.

■ Бунда фуқаро хабарномани олган кундан эътиборан 10 кун ичида Пенсия



■ Қонунчиликка киририлган қўшимчаларга кўра, фуқаронинг ёшга доир пенсияга бўлган ҳуқуқи белгиланган ахборот тизимларидан олинган маълумотларга асосан аниқланади.

■ Агар фуқаро унинг мурожаатисиз (проактив ша-

жамғармаси бўлимига ариза билан ёхуд давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП (my.gov.uz) орқали сўровнома тўлдирган ҳолда мурожаат қилиши керак.

■ Пенсия ёшига етган кунда ёшга доир пенсия бериш масаласи кўриб чиқилади.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЯГОНА ТАРИХ ВА УМУМИЙ КЕЛАЖАК

Марказий Осиё минтақасининг бамисоли юрагида жойлашган Ўзбекистон давлатчилиги илдизлари уч минг йилдан кўпроқ тарихий даврни ўз ичига олади. Бу қадим замин азал-азалдан нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлиб келган. Ўзбекистон Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги боис, асрлар давомида ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк бўлиб хизмат қилган. Ибн Сино, Хоразмий, Беруний, Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбандий, Абдуҳолиқ Фихрдувоний, Имом Бухорий каби кўплаб диний ҳамда дунёвий илмларнинг фундаментал асосларини яратган буюк алломалар, олиму фузалолар мана шу заминда туғилиб, жаҳонга танилган. Бутун дунё халқлари ўртасида дўстона муносабатлар ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга бекиёс ҳисса қўшган. Сўнгги юз йилликларда бу ерда турли миллат ва элат вакиллари учрашган, ўзаро мулоқотда бўлган, бир оиладек аҳил ва иноқ ҳаёт кечириб келишган.

Марказий Осиё мамлакатлари нафақат жуғрофий ҳамда геосиёсий жиҳатдан бир-бирига яқин, балки ягона маданият ва цивилизация макони ҳамдир. Бу ерда истиқомат қилувчи халқларни умумий маънавий-ахлоқий қадриятлар, муштарак анъана ва урф-одатлар, ягона тарих боғлаб туради. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган минтақа минг йиллар давомида дунё маданиятлари, тиллари ҳамда динлари мулоқотида замин бўлган.

Ўзбекистон бугун яқин қўшничилик, дўстлик тамойилларига таянган ҳолда, фаол ва прагматик сиёсат олиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси туфайли минтақа мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқалари жадал суръатларда ривожланиб борапти.

Юртбошимизнинг қўшни мамлакатларга амалга оширган давлат ва амалий ташрифлари давомида, шунингдек, турли халқаро саммитлар доирасида шу мамлакатлар раҳбарлари билан мунтазам равишда ўтказиб келаётган мулоқотлари самараси ўлароқ, ўтган қисқа давр мобайнида Марказий Осиёда принципиал жиҳатдан мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди. Стратегик шерик давлатлар сафи кенгайди.

Сўнгги йиллардаги энг катта бойлик – Марказий Осиё деган умумий уйимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигидир. Халқимиз онгида бу қадрият ва унинг абадий аҳамиятини англаш кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўзбекистонда

даражаси сезиларли даражада ошиб, кўплаб долзарб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди. Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан дўстлик ва биродарлик алоқалари бутунлай янги маъно-мазмун касб этган ҳолда, жадал тус олди. 2019 йил 15 сентябрда Ўзбекистоннинг **Туркий Кенгашига** тўлақонли аъзо этиб қабул қилиниши натижасида ташкилот доирасида нафақат маданий-маънавий алоқалар, балки савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Бу бизга Марказий Осиёни бу-

рихий воқеа – Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғиз Республикаси раҳбарлари саммитини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу саммит Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган бўлиб, Марказий Осиёни Ўзбекистон ташқи сиёсат стратегиясининг асосий устувор йўналиши эканлигининг исботидир. Асосий мақсад – қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш ва Марказий Осиё минтақасида кескинлик даражасини пасайтиришдан иборат. Хўжандда уч томонлама чегаралар тўғрисидаги битимнинг имзоланиши, шунингдек, рамзий Дўстлик стеласининг очилиши ушбу стратегиянинг мантиқий давоми бўлди. Ёндашувнинг моҳияти оддий, аммо самарали: иқтисодий интеграция ҳудудий низоларнинг ўрнини боса олади: савдо қилиш урушдан яхшироқдир.

Шундай қилиб, Хўжанддаги уч томонлама саммит нафақат минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлининг давоми, балки бутун дунёга Марказий Осиёнинг мураккаб масалаларни тинч йўл билан, мулоқот ва шериклик орқали мустақил ҳал этишга тайёрлигини намоён этди.

Инсоният учун энг катта бойлик тинчликдир, тинчликнинг манбаи эса ҳамжиҳатликдир. Ўзаро тотувлик ва дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари барқарор гўшадагина инсон эркин-эмин яшайди, ҳар қандай орзусига эришади. Шу жиҳатдан қараганда, бизнинг энг катта бойлигимиз, энг асосий ютуғимиз, Юртбошимиз уқтирганидек, аввало, Ватанимиз осмонининг мусаффолиги, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, дўстлик ва бирдамлик муҳитидир.

Зеро, бу неъматларнинг қадрига етиш ҳамда турли миллат ва элатлар вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаётган Ватанимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, кимлигимиздан қатъи назар, барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Файратулла ШУКУРОВ,
ўз мухбиримиз.



кўплаб миллат ва элат вакиллари бир-бирлари билан дўст, аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Бу ерда истиқомат қилаётган халқларнинг миллий урф-одатлари ва маданиятини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун давлатимиз томонидан барча шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг кузида БМТнинг 72-Бош ассамблеясида халқаро сиёсат тамойилларини баён этиб, Марказий Осиё минтақасини бирлаштириш ва қўшнилари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббусга кўра, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг **Маслаҳат уч-рашувларини** мунтазам ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Барча қўшни давлатлар президентларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли кейинги йилларда минтақамизда сиёсий ишонч

гунги кунда умумий уй сифатида қабул қилиш имконини беради.

Минтақадаги барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ечими фақат дўстлик, ҳамжиҳатлик ва халқаро муаммоларга ягона позицияда ёндашувга боғлиқ эканини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шундай эътироф этганди: «Ҳамма қўшнилари билан биз дўст бўламиз. Бошқа ниятимиз ҳам йўқ. Албатта, кўп-кўп муаммолар бор, лекин одамзод шунинг учун, раҳбарият шунинг учун борки, бу муаммоларни ақл билан, ирода билан, вазминлик билан ечиш керак... Ҳар бир давлатнинг ўз нияти, ўз халқи, ўз истаклари бор. Шунинг учун биз дўстлик нуқтаи назаридан, самимийлик нуқтаи назаридан, биродарлик нуқтаи назаридан қўшнилари билан фақат дўст, дўст ва яна бир марта дўст бўламиз».

2025 йил 31 март куни Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган чинакам та-

■ Самаркандская область

С начала года на портале my.gov.uz доступна услуга подачи онлайн-заявки на получение охрannого ордера. Теперь женщины, ставшие жертвами насилия, могут подать заявление в электронном виде. Обращение рассматривается в течение 24 часов с момента поступления инспектору профилактики.

Пастдаргомский район лидирует по числу выданных охранных ордеров. Старший инспектор по работе с женщинами старший лейтенант Фарида Эркаева объясняет:

– В районе проживает более 190 тысяч женщин, при этом число неблагополучных семей превышает 500. Благодаря профилактической работе нам удалось примирить 84 семьи на грани развода. Однако полностью избежать насилия в семьях сложно. Проблемы, как правило, связаны с алкогольной зависимостью мужчин, безработицей и материальными трудностями.

Недавно охранный ордер был выдан 40-летней жительнице махалли Мароканда, которую супруг на протяжении нескольких

Каждая женщина имеет право на безопасную и счастливую жизнь. Однако даже в современном обществе некоторые женщины продолжают сталкиваться с домашним насилием, домогательствами и жестоким обращением.



лет подвергал избиениям. Проблема вскрылась только после ее госпитализации с побоями.

Домашнее насилие опасно тем, что агрессор считает себя вправе контролировать другого

человека. Главной задачей правоохранительных органов остается профилактика насилия, устранение причин и условий жестокого обращения, а также работа с теми, кто уже совершил насилие.

При районной больнице открылся кабинет помощи жертвам насилия, организованный центром социальной помощи «Инсон». Здесь женщины получают медицинскую и психологическую под-

держку, а также юридическую консультацию. С начала года кабинет посетили семь женщин, еще шесть направлены в реабилитационный центр (шелтер) в Джамбайском районе. Это происходит в случаях, когда совместное проживание с агрессором представляет угрозу жизни.

Если вы столкнулись с насилием, обратитесь:

– в центры социальных услуг «Инсон» или к социальному работнику;

– в дежурную часть органов внутренних дел по телефону «102» или напрямую к инспекторам профилактики;

– в Единую диспетчерскую службу «112» или на короткий номер доверия «1146»;

– подайте заявку на портале my.gov.uz.

Замира БАЛТАЕВА,
соб. корр.

✶ В образовательных учреждениях МВД

ФОРМИРУЮТСЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЕ НАВЫКИ

В Хорезмском академическом лицее МВД организованы учебно-методические комнаты отраслевых служб органов внутренних дел, в которых специалисты на основе планов ведут учебные и практические занятия, читают лекции, проводят круглые столы и встречи.



– Для формирования здорового мировоззрения на занятиях разъясняются угрозы идеологического характера, в том числе распространяемые через интернет чуждые нашему обществу взгляды и ценности, приводятся примеры из практики по вопросам борьбы с преступностью, профилактике правонарушений, обеспечения общественной безопасности, – говорит заместитель директора лицея подполковник Бехзод Курёзов. – Данный подход способствует усилению интереса молодежи к профессии, закладывает фундамент для подготовки кадров, способных с честью выполнять ответственную миссию по обеспечению мира и спокойствия в стране.

Недавно квалифицированные специалисты Экспертно-криминалистического центра областного УВД провели семинары-занятия на темы «Криминалистическое исследование холодного оружия», «Заостренное, затупленное, комбинированное, замаскированное холодное оружие», «Осмотр холодного оружия», «Исследование холодного оружия». Наряду с повышением своих знаний, учащиеся получили ответы на интересующие вопросы.

По итогам занятий лицеисты сдали тесты, которые позволили выявить степень усвоения темы.

Худойберган ЖАББОРОВ,
соб. корр.

Хорезмская область.

На снимке: заместитель начальника Экспертно-криминалистического центра УВД области подполковник Зафар Ибрагимов ведет занятие.



MA'RIFAT BO'STONI

HISSA

Imtihondan muvaffaqiyatli o'tganini nishonlash uchun qahvaxonaga kirgan talaba bir o'zi o'tirishni istamay, atrofga nazar soldi va yolg'iz qariyaga ko'zi tushdi. Yigit uning yonidan joy egallab, buyurtma qila boshladi. Ovqatlanish jarayonida suhbat qizib, talaba maqtanishga o'tadi. Keksalarning yoshlarni tushunmasligidan yozg'irdi.

– Siz shunchaki tamoman boshqa olamda voyaga yetgansiz, deyarli ibtidoiy zamonda yashagansiz, – deya ovozini balandlatdi yigit va bu bilan atrofdagilarning e'tiborini jalb qilmoqchi bo'ldi. – Mening tengdoshlarim esa televizor, reaktiv samolyotlar, kosmik sayohatlar, internet, atom energiyasi va yana ko'p narsalar bilan ulg'aydi...

U ichimlik ho'plash uchun so'zini to'xtatdi. Qariya bundan foydalanib, unga shunday dedi:

– Gaplaring to'g'ri, o'g'lim. Bularning bari bizda bo'lmagan, shuning uchun ham ularni yaratishga kirishganmiz va uddasidan chiqqanmiz. Endi esa o'ylab ko'r, sen o'zing kelgusi avlod uchun nima qilmoqchisan, ularga nimalarni qoldirmoqchisan?

BAJO KELTIRILGAN ISTAK

Qadim zamonlarda bir odam daryo ustiga ko'prik quribdi va bu qirg'oqdan narigisiga o'tishni xohlagan yo'lovchilardan 1 tanga miqdorida to'lov ola boshlabdi. Odamlar bu ishi uchun uni yoqtirmas, hatto salom berishni ham o'zlariga ep ko'rishmasdi.

Vaqt-soati yetib, u og'ir xastalanibdi va umri yakuniga yetib qolganini his qilibdi. Shunda o'g'li undan so'nggi tilagini so'rabdi. Ota shunday debdi: «Men insonlarga hech yaxshilik qilmadim. Ular bilan doim qo'rs muomalada bo'ldim. Umrin davomida hech kim meni yaxshi ko'rmadi. Qaniydi, qazoyimdan so'ng meni yaxshi so'zlar bilan tilga olishsa. Afsuski, endi buning iloji yo'q». Yigit esa ishonch bilan unga: «Istagingizni bajo keltiraman», debdi.

Otasining vafotidan keyin o'g'li ko'prikdan o'tish narxini 3 tanga qilib belgilabdi. Odamlar esa o'zaro bir-biri bilan pichirlasha boshlabdi:

– Noinsof. G'irt vijdonsiz ekan bu yigit. Otasi, har holda, yaxshi inson edi. Atigi 1 tanga olardi.

DUSHMANNI YENGISH YO'LI

- Bobo, dushmanlaringizni qanday yengasiz? – so'radi bir kun nabira.
- Ularni yo'q qilaman.
- Qanday qilib?
- Ular haqida o'ylashni, mulohaza qilishni, fikr bildirishni tamoman to'xtataman.

KO'RINMAS YAXSHILIK

Dengiz bo'yida bir oila dam olar, farzandlar qumdan qasr yasashardi. Birdan bolalarning atrofida eski-tuski libosda, qo'liga xalta ilib olgan qari ayol o'ralasha boshladi. U qum orasidan nimalarnidir olib, xaltasiga solardi.

– Bolalar, bu gadoy kampirga

yaqinlashmang! – deya baqirdi ona.

Bu so'zlarni eshitgan kekxa ayol tabassum qildi va nari ketdi. Uning xaltasida esa bolalarni jarohatlamasin deb tergan shisha siniqlari bir-biriga urilib shiqirlardi...



O'ZLIK SARI UCH QOIDA



1. Tanlov erkinligi.

Inson yaxshi yoki yomon, kuchli yoki zaif bo'lishni o'zi tanlaydi. Ushbu erkinlikdan unumli foydalanib, o'z tanlovingizni qiling, aks holda, buni sizning o'rningizga boshqalar amalga oshiradi.

2. O'zini yaxshi ko'rish va hurmat qilish.

Agar inson o'z vaqti, sog'lig'i, maqsad va qiziqishlariga e'tiborsiz bo'lsa,

demakki, o'z hayotining qadriga ham yetmaydi. Erkinlik kishining o'ziga bo'lgan hurmat va muhabbatdan boshlanadi.

3. O'z fikriga ega bo'lish.

Erkin odam doim «boshi» bilan o'ylaydi. O'z fikriga ega bo'lish – boshqalarni tinglash, ammo o'z aqli bilan ish tutish demakdir.

CHINAKAM BOYLIK

Bir yigit nuqul o'z hayotidan nolib, tinmay hasrat qilardi.

– Nega men shunchalik omadsizman? Hammada mashina, uy bor, menda-chi?.. Axir, men yosh va kuch-quvvatga to'la bo'lsam, nega doim omadim yurishmaydi.

Kunlardan birida uning nolalarini shu yerdan o'tib ketayotgan bir yo'lovchi eshitib qolibdi. U bir muddat quloq tutib, keyin yigitdan so'rabdi:

– Agar senga o'n million taklif etsam, buning evaziga oyog'ing yoki qo'lingdan voz kecharmiding?

– Yo'q, albatta.

– Ko'zlaringdan-chi?

– Yuz million bersangiz ham voz kechmayman, – shartta javob qilibdi yigit.

– Ana, ko'rdingmi! Hayot senga shuncha pulga ham alishmaydigan tuhfa hadya etib qo'yibdi, sen esa omadsizlik va faqirlikdan nolib yuribsan. Hayotdan biron narsa talab qilishdan oldin o'zingda bor boylikdan to'g'ri va unumli foydalanishni o'rgan.

Sahifa materiallarini Gulchehra AZIMOVA tayyorladi.





Мы против коррупции

Вот один из примеров. Инспектор УБДД СОБ УВД области старший сержант Ганишер Усмонкулов остановил автомобиль «Джентра», двигавшуюся по махалле Манас Дусликского района для проверки. Выяснилось, что машиной, ему не принадлежащей, управляет некто С. А. Причем не имея водительских прав. Мало того, лобовое и боковые стекла были затемнены, на что владелец не получал соответствующего разрешения.

Старший сержант оформил протокол задержания, автомобиль определил на штрафную стоянку. Нарушитель закона попытался дать 100 долларов США в качестве взятки инспектору, чтобы уйти от ответственности.

НЕ ВНЯЛ РАЗЪЯСНЕНИЮ

Коррупция, посредничество в получении и даче взятки входит в категорию преступлений с высоким социальным риском. В стране ведется непримиримая борьба с этим злом. Нарушителям закона, пытающимся уйти от ответственности путем дачи взятки, дается решительный отпор.



Сотрудник разъяснил, что данное деяние является уголовно наказуемым деянием. Но горе-водитель настаивал на своем. Тогда старший сержант подал рапорт руководству областного УВД, в котором изложил сложившуюся ситуацию. В результате проведенного совместного оперативно-мероприятия С. А. был задержан при попытке дачи взятки. Возбуждено уголовное дело.

Акмал ПАРМАНОВ,
майор.
Джизакская область.



Смотр-конкурс

ОБРАЗЦОВАЯ СЕМЬЯ

В Зааминском районе с 5 по 7 мая проходил республиканский этап смотра-конкурса «Образцовая семья» среди сотрудников системы Департамента обеспечения безопасности на объектах транспорта и туризма.



В нем приняли участие 19 команд территориальных управлений Каракалпакстана, областей и города Ташкента и соответствующих служб. По условиям отбора семейные команды ис-

полнили национальные песни, танцы, лапары, декламировали стихи, рассказали зрителям и жюри о своих достижениях в создании крепкой и сплоченной семьи.



В фотоальбоме и видеоролике «Моя семья» были собраны снимки и кадры, повествующие о важности патриотического воспитания детей, преемственности традиций. Уровень осведомленности об узбекской и мировой литературе показал конкурс – «Мы – семья книголюбов».

В рамках мероприятия был организован выезд на плато «Суффа», где участники смогли оценить красоту Заамина и его туристический потенциал. Там деятели искусства представили концертную программу.

Победителем смотра-конкурса стала семья инспектора ГПП Управления обеспечения безо-

пасности на транспорте Республики Каракалпакстан лейтенанта Шерзода Казакбаева. На втором месте семья инспектора ГООП УОБ на транспорте Джизакской области старшего сержанта Шерзода Рустамова. Третьего места удостоились родные заместителя начальника по духовно-просветительской работе Самаркандского областного Управления обеспечения безопасности на транспорте майора Аслема Абдурасулова.

Победители конкурса награждены дипломами и ценными подарками. Также поощрены активные участники конкурса и лучшие в ряде номинаций.

Соб. корр.



ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Ҳаёт инсонга берилган бебаҳо неъмат. Буни дилдан ҳис этган ҳар қандай инсон ҳаётда узоқ яшаши билан эмас, балки умри давомида амалга оширган хайрли ишлари ила ҳурмат-эътибор топишга интилади. Бундай кишилар ҳаёт синовларини мардонавор енгиб ўтиб, танлаган соҳасида ўзига хос тажриба мактабини ҳам яратади. Бутун ҳаётини юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга бағишлаган истеъфодаги полковник марҳум Абдурашид Дўстов ана шундай инсон эди.



Суратда: Абдурашид Дўстовнинг фарзандлари ва набиралари.

Абдурашид Дўстов 1930 йил 15 октябрда Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида таваллуд топди. Ўша пайтларда ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий ҳаётда ўзгаришлар кечаётган, ниҳоятда чигал, мураккаб, оғир дамлар бўлган тарихдан маълум. Шу сабабдир, унинг болалик дамлари ҳам ниҳоятда оғир кечган. Отаси Дўстбобо Эшбобоев деҳқон бўлиб, рўзгорни ерга экин экиш орқали, бир амаллаб тебратган. Абдурашид 2 ёшга тўлганида онаси Ҳидоят Дўстова вафот этади.



Мактабнинг 7-синфини тугатган А.Дўстов Шаҳрисабздаги машина-трактор паркига ишга кирази, кейинроқ ҳарбий хизматда бўлади. Сўнг турли жойларда, турли вазифаларда ишлаб, тумандаги Алишер Навоий номли мактабнинг кечки бўлимини ишдан ажралмаган ҳолда, ўқиб тугатади.

Ана шундан сўнг унинг ички ишлар органларидаги фаолияти бошланди. Дастлаб, 1955–1961 йилларда Қашқадарё вилояти ИИБ 167-сонли махсус комендатура коменданти, сўнгра Шаҳрисабз тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ИИБ бошлиғининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилади. 1961–1981 йилларда эса Китоб, Яккабоғ, Чироқчи ва Шаҳрисабз туман ИИБлари бошлиғи лавозимида самарали фаолият кўрсатади. Ишдан ажралмаган ҳолда, ИИБ олий милиция мактабини тугатади.

Унинг туманларда жиноятчиликни жиловлаш борасида амалга оширган ишлари, тўплаган тажрибаси 1981–1982 йилларда Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари вазифасида ишлашига замин ҳозирлади. Билим, тажриба ва малакасини

ишга солиб, криминоген вазиятни жиловлашга муносиб ҳисса қўшди.

– Абдурашид Дўстов ўз ишини пухта биладиган етук ҳуқуқшунос эди. Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини фош этиш, қонунбузарликларни малакалашда ёшларга устозлик қилишдан чарчамасди, – дейди ўша йиллари Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган истеъфодаги полковник Рўзимурод Ниёзмуродов. – У хизматда жуда қаттиққўл ва талабчан раҳбар бўлган. Аммо инсонийлик жиҳатидан ҳодимпарвар, оилапарвар инсон эди. Ички ишлар органлари ва ходимлари шаънини қаттиқ ҳимоя қиларди. Шу боис у барча ҳамкасблари ҳурматини қозонганди.

Ундаги ҳар ишда етти ўлчаб бир кесиш, қаттиққўллик, кези келганда, ходимлар билан очиқ мулоқот қилишдек раҳбарлик хислатлари Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи лавозимида фаолият юритган йилларда янада ёрқин намоён бўлди. Самарали ва бенуқсон хизмати учун ички хизмат

полковниги унвонига сазовор бўлди.

А.Дўстовнинг тўғрисиқлиги, ҳақиқатни қарор топтирмагунча тиниб-тинчимаслиги, таниш-билишчиликни тан олмаслиги ўша давр иттифоқ ИИБ раҳбарларига



ёқмайди. Тухмат уюштириб, 1983 йил 9 июнь куни уни ишдан бўшатишади.

Таассуфки, ўша давр катағони – Гдлян ва Ивановлар олиб борган ноқонуний тергов Абдурашид Дўстовни ҳам четлаб ўтмади. «Сен бошида тургансан, порахўрликлар авж олишига йўл очиб бергансан» деган асоссиз вазлар билан уни айблаб, тергов-

га тортишади. Қарийб уч йил терговда, яна уч йил Қозоғистон Республикасининг Капчагай вилоятидаги колонияда жазо муддатини ўтайди.

Истиқлол шарофати билан ҳақиқат қарор топди. Президент фармони билан 1989 йилда оқланган Абдурашид Дўстов ишга тикланиб, ички ишлар органларида қилган чорак асрдан ортиқ хизмати натижасида фахрийликка кузатилади.

Унинг касбини ўша пайтларда ички ишлар органларидан ноҳақ бўшати-

ва жисмоний тазйиқлар туфайли 62 ёшида – 1992 йил 15 ноябрда Шаҳрисабз шаҳрида вафот этади.

Абдихалил Абдурашидов ички ишлар органларидаги фаолиятини йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида бошлаб, бир неча туман ИИБ ЙХБларга раҳбарлик қилди. Қарийб чорак асрлик хизматнинг охириги йилларида профилактика соҳасида фаолият юритиб, майор унвони билан фахрийликка кузатилди.

Унинг укаси Муҳсин Дўстов ҳам тизимда бир неча раҳбарлик лавозимларида, жумладан, Шаҳрисабз ва Китоб туманлари ҳамда Қарши шаҳар ИИБлари бошлиғининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб, полковник унвони билан нафақага чиқди.

От ўрнини той босар, деганларидек, бугунги кунда бобо касбини Муҳсин аканинг

либ, қайта ишга тикланган ўғиллари – Абдихалил Абдурашидов ва Муҳсин Дўстов давом эттиришди.

Турмуш ўртоғи, марҳум Оқила Нурбобоева билан тўрт ўғил ва уч қиз фарзандни дунёга келтирган.

Ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги полковник Абдурашид Дўстов катагон қурбони сифатида олган руҳий

икки фарзанди давом эттиряпти. Майор Отабек Дўстов вилоят ИИБ ЖХХ МТБ катта инспектори. Лейтенант Нодирбек Дўстов эса ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли 7533-ҳарбий қисмда секция командири. Бу икки фарзанд эл хизматини шараф билиб, касбни ардоқлаб келмоқда.

Содиқ РАҲИМОВ,
ўз мухбиримиз.

ҚАРОР ВА ИЖРО

МАҚСАД – ҚАЙТА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК

Президентимизнинг 2025 йил 27 мартдаги фармонида асосан, жазо муддатини ўтаётган хоразмлик 29 нафар маҳкум афв этилди. Шундан 18 нафари жазодан шартли равишда озод этилган бўлса, 1 нафарининг жазоси енгилроқ жазо турига яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди, 7 нафари жазодан тўлиқ озод қилиниб, 3 нафарининг жазо муддати қисқартирилди.

Айни кунда вилоят ИИБ ЖХХ Пробация бўлими ходимлари ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари ҳамкорлигида афв этилган шахсларнинг ижтимоий муаммоларини ўрганиш, улар жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш учун зарур шароитларни яратиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар тиббий кўрикдан ўтказилиб, бепул даволаш жараёнлари амалга ошириляпти. Шунингдек, уларга шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги кўниктириш марказлари томонидан бир марталик моддий ёрдам маблағлари берилляпти. Бундан ташқари, афв этилган шахслар орасида тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик, чорвачилик каби соҳалар билан шуғулланиш истагида бўлганларга ижтимоий ёрдам пакети ажратилиши ўрганиб чиқилмоқда.

Ҳазорасп туманидаги «Овшар» маҳалласида яшовчи жазодан муддатидан илгари шартли озод этилган М. Г.нинг турмуш тарзи, яшаш шароити ҳамда муаммолари ўрганилганида, келгусида темирчилик фаолияти билан шуғулланиш истаги борлигини билдирган. Урганч туманидаги «Чўлобод» маҳалласида истиқомат қилувчи Н. Г. эса чорвачилик билан шуғулланмоқчи эканини маълум қилган. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган бу каби шахсларга дастлабки ижтимоий ёрдам пакети ажратилишида амалий кўмак берилди.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилиб, пробация назоратига олинган, афв этилган шахсларни ижтимоий мослаштириш, бандлигини таъминлаш мақсадида шаҳар ва туман ҳудудларида меҳнат ярмаркалари ташкил этиляпти. Улар бу ерда ўзлари қизиққан соҳалар бўйича ишга жойлашиб, мономар-



казларда касбий маҳоратларини оширишга ҳаракат қилишмоқда.

Афв этилган шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш ва қайта жиноят содир этилишининг барвақт олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Пробация хизмати ходимлари тезкор қидирув хизмати вакиллари ҳамда профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда

афв этилган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишига сабаб бўлувчи омилларни эрта аниқлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича барча зарур чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Файрат НУРМЕТОВ,
Хоразм вилояти ИИБ ЖХХ
Пробация бўлими
катта инспектори, капитан.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ФИДОЙИЛИК ҚАДР ТОПАДИ

Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти унинг фидойи аъзоларига боғлиқ. Ички ишлар органлари хизмати ҳам ходимлардан фидойиликни талаб қилади. Бусиз эл-юрт тинчлик-осойишталигини таъминлаш мушкул. Ҳуқуқ-тартибот посбонлари ўз вазифаларини бажариш йўлида соғлиқларини, керак бўлса, ҳаётларини тикадилар.

Навоий вилояти ички ишлар органларида хизмат қилиш чоғида ногиронлик орттирган ёки ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли пенсияга чиққанларни вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими шифокорлари вақти-вақти билан чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб, зарур ҳолларда

бепул дори-дармон билан таъминлашади.

Хизмат вақтида тан жароҳати олиб, пенсияга чиққан 4 нафар ходимга ҳамда уларнинг 14 нафар оила аъзосига жорий йилнинг ўтган даври ичида моддий ёрдам кўрсатилди. Бир нафар ходимга эса уй-жойини таъмирлаш учун фоизсиз қарз берилди.

– Жароҳат олган ва ногирон бўлиб қолган хо-



димларимизга мунтазам равишда нафақат моддий, балки маънавий ёрдам ҳам кўрсатиб турамиз. Ҳар ойда ишчи гуруҳ аъзолари уларнинг ҳолидан хабар олиб туришади, турмуш шароитини ўрганишади, – дейди вилоят ИИБ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, майор Тўймурод Абдуллаев.

Қарийб 10 йилдан ортқ вилоят ИИБ ЖТСБ Патруль-пост хизмати батальонида хизмат қилган Элмирзо Султонов бир гуруҳ хавфли жиноятчиларни қўлга олиш вақтида бошидан қаттиқ жароҳат олди. Афсуски, шу туфайли хизматини давом эттиролмади. У пенсияга

чиққач, аввалига ўзини жамиятдан узилиб қолгандек ҳис қилди. Аммо бошқарма раҳбариятининг эътибори, ғамхўрлиги, ҳамкасбларининг меҳри Элмирзога руҳий далда бўлди. Қолаверса, унга зарур моддий ва тиббий-ижтимоий кўмак кўрсатиляпти. Бошқармада ташкил этиладиган турли маданий-маърифий тадбирларга таклиф этишади.

– Фарзандларим Гулноза ва Бехрузга олий таълим муассасаларига ўқишга киришида имтиёзли сертификат тақдим этишди. Бундан ташқари, ҳар йили касаба уюшмаси томонидан менга бепул даволанишим учун йўлланмалар беришади. Бу эса биз учун катта ёрдам, –

дейди истеъфодаги сержант Элмирзо Султонов.

Азиз Шомуродов Қизилтепа тумани ИИБ М ва ФРБ бошлиғи лавозимида самарали хизмат қилаётган бир пайтда оғир хасталикка чалинди. Унинг Ҳиндистондаги жарроҳлик операцияси харажатлари вилоят ИИБ томонидан тўлаб берилди.

– Бунинг учун вилоят ИИБ раҳбариятидан, турмуш ўртоғимнинг ҳамкасбларидан, қолаверса, қўлидан келган кўмагини аямаган маҳалла-қўйдан миннатдоримиз. Уларнинг ёрдами билан умр йўлдошим шифо топди, – дейди истеъфодаги капитан Азиз Шомуродовнинг аёли.

Хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлганлар, жароҳат олганлар чинакам фидойилардир. Фидойилик эса ҳамisha қадр топади. Зеро, инсонни қадрлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Маҳлиё ХОЛОВА,
ўз мухбиримиз.

Навоий вилояти.



HUQUQBUZARLIKLAR PROFILAKTIKASI



E'TIROFLAR BEJIZ EMAS

Ohangaron tumani IIB JXX HPB boshlig'i, kapitan Shahzod Abdusamatxo'jayev 6 yildan buyon ichki ishlar organlari safida. U avvallari Angren shahar, Parkent tumanidagi mahallalarda xizmat qilib, jinoyatchilikka qarshi kurashish, aholi xavfsizligini ta'minlashda o'z bilimi, qat'iyyati va shijoatini ayamay, ijobiy natijalarga erishgan. 2022-yilda viloyat miqyosida «Eng yaxshi profilaktika inspektori», deb topilgan.

– Oilamizda ichki ishlar xodimlari yo'q. Lekin ular meni doimo qo'llab-quvvatlashadi. Bo'sh vaqtlarimda mutolaa bilan shug'ullanaman. Negaki, kitoblar dunyoqarashni shakllantiradi – fikrlash, tasavvur, xulosalar chiqarish kabi ko'nikmalarimizni rivojlantiradi. Ayniqsa, badiiy asarlar o'z-o'zimizni yaxshilash, katta natijalarga erishish uchun ish-

tiyoq beradi. Bilim bulog'i dunyoni anglashning yangi chegaralarini kashf etishda qo'l keladi, – deydi lavhamiz qahramoni.

Ohangaron – viloyatdagi yirik tumanlardan hisoblanib, bu yerdagi 34 ta mahallada 111 ming nafardan ziyod aholi istiqomat qiladi. O'tgan yil yakunlariga ko'ra, 5 ta mahalla «qizil» toifada bo'lgan. Hozirda «qizil» toifadagi bitta mahallani «yashil»ga o'tkazish uchun zarur choralar ko'rilmogda. Ko'rsatkichlariga to'xtaladigan bo'lsak, tumanda jinoyatchilik sodir etilishi o'tgan yilning mos davriga nisbatan deyarli ikki barobarga kamayishiga erishilgan.

Kapitan Sh. Abdusamatxo'jayev tumanda xizmat qilayotgan profilaktika inspektorlari bilan hamjihatlikda jinoyatchilikni jilovlash bo'yicha aniq rejalar asosida samarali ishlab kelmoqda.

Abror POYONOV,
o'z muxbirimiz.

Toshkent viloyati.

KASB FIDOYILARI

MAHORAT SOHIBI

Jinoyatlarni fosh etishda ayrim paytlar inson sezgisi ojiz qolishi bor gap. Ana shunday damlarda ichki ishlar organlari xodimlariga xizmat itlarining yordami asqatadi. Shunday ekan, faoliyatga qanchalik zamonaviy texnika va uskunalar joriy etilmasin, huquq-tartibotni saqlash hamda jinoyatlarni fosh etishda kinologiya xizmatining ahamiyati yuqorilgicha qolaveradi.



Bugun xizmat vazifasini sidqidildan bajarib kelayotgan fidoyi xodimlardan biri Qoraqalpog'iston Respublikasi IIV JXX JTSB Kinologiya bo'linmasi kinologiya guruhi kichik inspektor-kinolog, safdor Jaqsimbek Yesbosinovdir.

Lavhamiz qahramoni ilk xizmat faoliyatini Qoraqalpog'iston Respublikasi IIV Patrul-post xizmati va jamoat tartibini saqlash boshqarmasi patrul post xizmati otryadi kinologiya vazifasida boshlagan.

– Safdor J.Yesbosinov kasbga bo'lgan sadoqati, mas'uliyati va intizomi uchun ko'pchilikka ibrat qilib ko'rsatishga arziydi. Mahoratli hamkasbimiz bir necha bor kinologlar o'rtasida Respublika miqyosida o'tkazilgan musobaqalarda sovrinli o'rinlarni qo'lga kiritgan, – deydi Kinologiya bo'linmasi boshlig'i, podpolkovnik Ruslan Uteuliyev.

Ta'kidlash joizki, joriy yilning shu davriga qadar safdor J.Yesbosinov o'ziga birkirtilgan xizmat iti bilan 14 marotaba voqea joyiga chiqib, 6 ta jinoyatning qisqa vaqt mobaynida fosh etilishiga munosib hissa qo'shdi.

Masalan, yaqinda Nukus shahridagi Markaziy dehqon bozorida fuqaro D.A. o'ziga tegishli «iPhone 13 pro» rusumli qo'l telefoni o'g'irlab ketildi. Murojaat asosida qidiruv ishlari olib borilishi natijasida xizmat iti bilan o'g'rining yo'nalishini aniqlashga muvaffaq bo'ldi. Shu asosda kuzatuv kameralari yozuvlari hamda guvohlarning ko'rsatmalari o'rganildi va o'g'rining shaxsi oydinlashib, u shu kunning o'zidayoq qo'lga olindi.

Sharapat UTEPOV,
katta serjant.

Qoraqalpog'iston Respublikasi.

MAHALLA TINCH – YURT TINCH

«BOG'ISHAMOL» «QIZIL»DAN CHIQADI(MI)?

«Bog'ishamol» – Chiroqchi tumani markazida joylashgan mahalla. «Qizil» toifadagi bu mahallada markaziy dehqon va oziq-ovqat bozori, qator davlat idoralari, turli ko'ngilochar maskanlar, umumiy ovqatlanish hamda savdo shoxobchalari joylashgani bois doim fuqarolar bilan gavjum bo'ladi.

Ayni paytda bu yerda mahallani xavfsiz va jinoyatdan xoli hududga aylantirish borasida manzilli ishlar olib borilayotir. Hudud «xonadonbay», «oilabay», «fuqarobay» tizimi asosida o'rganilib, mavjud muammolar yechimiga qaratilgan choralar ko'rilmogda. Jumladan, yoshlar va xotin-qizlardan iborat 16 nafar kishi ishga joylashtirildi. Tuman IIB Probatsiya xizmati hisobidagi muqad-

dam sudlanganlarning ham 60 foizining bandligi ta'minlandi.

– Hozirga qadar 23 ta videokuzatuv kamerasi o'rnatilib, IIBga va xizmat planshetimga integratsiya qilindi, – deydi profilaktika inspektori, kapitan



Fozilxon Temirov. – Ko'p qavatli uylarning 2 tasiga domofon, 19 ta joyga tashvish tugmalari o'rnatildi. 13 ta davlat va nodavlat tashkiloti, korxona va muassasa, xonadonlar qo'riqlash xizmati pultiga ulandi. Bu boradagi ishlari jadal ketmogda.

Mahallada jamoat tartibini saqlash, kriminogen vaziyatni jilovlash, huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olish, giyohvandlik, psixotrop va kuchli ta'sir qiluvchi moddalarning noqonuniy muomalasiga chek qo'yish borasida tungi xizmat xodimlari bilan hamkorlikda faol ish olib borilmogda. Tungi vaqtda maqsadsiz yurgan, xatti-harakatlarida shubha uyg'otgan fuqarolar bilan profilaktik tadbirlar kuchaytirilmogda. Ishonamizki, hamkorlikda amalga oshirilayotgan ishlar o'zining ijobiy natijasini beradi.

Sodiq RAHIMOV,
o'z muxbirimiz.

Qashqadaryo viloyati.

IIV Jamoatchilik va ommaviy axborot vositalari bilan aloqalar boshqarmasi rahbariyati va shaxsiy tarkibi boshqarma Elektron ommaviy axborot vositalari va veb-resurslar bilan ishlash bo'limi boshlig'i, podpolkovnik Sayfiddin To'raxo'jayevga otasi
SULTONXON otaning
vafoti munosabati bilan ta'ziya izhor etadi.

IIV huzuridagi Jazoni ijro etish departamenti rahbariyati, shaxsiy tarkibi va Faxriylar kengashi iste'fodagi polkovnik

Muhabbat SULTANOVAning

vafoti munosabati bilan marhumaning oila a'zolari va yaqinlariga hamdardlik bildiradi.



САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

**КОНДИЦИОНЕР –
БАКТЕРИЯЛАР МАКОНИ**

Ёзнинг жазирама кунларида кондиционер кўпчилигининг жонига ора киради. У ёз жазирамасида кишини беҳолликдан, иссиқ ҳарорат туфайли юзага келадиган турли бош оғриқларидан асрайди.

Аксарият кишилар кўчадан қизиб келиб, дарҳол кондиционер ёқади. Аммо тана совимай туриб, сунъий йўл билан тезда совиши натижасида шамоллаб қолиш, энг ёмони, ўпка тўқималарининг шикастланиши ёки ангина каби юқумли касаллик орттириб олиш мумкин. Шунингдек, аллергияси бор кишилар кондиционер асоратидан қийналади. Сабаби, у ҳавода аллерген ва чанг зарраларининг учишига имкон яратади.

Сир эмас, баъзан аёллар ошхонада газ ёнган вақтда иссиқдан қийналмаслик мақсадида хонадаги кондиционерни ёқиб қўйишади. Бу нотўғри! Чунки кондиционер қурилмасидаги фреон олов ёнган жойда бўғилиб қолишга сабаб бўладиган кимёвий модда – фосгенга айланади.



Кондиционер хонани салқинлатиш билан бирга, ундаги ҳавони ҳам қурилади. Қурилма ишлаб турганда, 1 соатда ҳаводан ўртача 2 литр сув (намлик)ни тортиб олади. Натижада хонада кислород миқдори камаяди. Бу эса организмга салбий таъсир қилади. Бурун шиллиқ қавати яллиғланади, экзема ва дерматози бор беморларнинг аҳволи ёмонлашади.

Кондиционер ўзида жуда кўп чанг йиғади. Уни бактериялар макони, де-

сак, муболаға бўлмади. Чанг унинг филтрларига йиғилади. Филтр ифлосланганда, мослама чангни бутун хонага ҳайдайди. Оқибатда унинг яқинида турган кишида кўздан ёш оқиш, оғизда металл таъмини ҳис қилиш ҳолатлари юзага келади. Буларнинг ҳаммаси соғлиқда муаммолар пайдо қилади.

Шу боис, кондиционер вақти-вақти билан мутахассис томонидан текшириб турилиши, ичлари ҳар уч ойда бир марта тозаланиши керак. Агар мазкур қоидага амал қилинмаса, кондиционерда микроб ва вируслар тўпланиб, фойдадан кўра зарарли жиҳатлари ортиб боради.

Кечаси кондиционерни ёқиб, маза қилиб ухлайман, деганларга вентилятордан фойдаланишни тавсия этамиз. Аввало, ундан совуқ ҳаво чиқмайди ва хонада микробли муҳит яратилмайди.

Дилором ЭРГАШЕВА,
шифокор.

**ПОЛЛИНОЗ – МАВСУМИЙ
АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИК**

Баъзи инсонларда ўсимликлар чанглари ва терак гуллари аллергик хасталикларни келтириб чиқаради. Аллергенлар аксарият кишиларда тумов ёки мавсумий аллергик касаллик – поллиноз кўринишида намоён бўлади.

– Бу жуда кенг тарқалган сурункали аллергик хасталик тури, – дейди Наманган вилояти ИИБ Тиббиёт бўлими дерматолог шифокори Абдурашид Мирзааҳмедов. – Аллергиянинг одатий аломатлари: буруннинг қичишиши, битиши ёки кўп миқдорда оқиши, кўз ачишиши, қизариши ва ёшланиши, аксиритиш, баъзан йўтал ҳамда танада тошмалар тошиши шулар сирасидан. Ўз вақтида даволанмаслик беморда бронхиал астма хуружлари безовта қилишига олиб келади.



Хўш, бундай аломатлар айнан аллергик хасталик белгиси эканлигини қандай билса бўлади?

– Махсус қон таҳлили ёрдамида аниқлаш мумкин, – дейди Абдурашид Мирзааҳмедов. – IgE тести – шулардан бири. Ўз навбатида, унинг умумий ва махсус турлари мавжуд. Масалан, умумий IgE беморда аллергия бор ёки йўқлигини кўрсатса, махсус IgE тести орқали айнан нималарга аллергия мавжудлигини аниқласа бўлади.

Иммунологлар кучли аллергия кўзгаганда уйдаги деразаларни ёпиб юриш, ҳимоя кўзойнаклари ва респиратор ниқоб тақиш, ташқаридан уйга кирганда дарҳол кийимларни алмаштириш ва ювиниш, чойшабларни тез-тез алмаштиришни тавсия этади.

Адолат ФАЙЗИЕВА.

**Почему важно заботиться о почках?****1. Поддерживайте водный баланс.**

Недостаток жидкости снижает кровоток в почках и может способствовать их повреждению. Оптимальная суточная норма потребления воды – 2–2,5 литра, но точный объем зависит от массы тела и состояния здоровья.

2. Контролируйте уровень сахара в крови.

Сахарный диабет – одна из ведущих причин хронической болезни почек. Регулярные проверки глюкозы, диспансеризация и соблюдение медицинских рекомендаций – важные шаги в профилактике.

Почки – жизненно важные органы, ежедневно очищающие кровь от токсинов и лишней жидкости. Несмотря на их значимую функцию, многие пренебрегают мерами профилактики. Вот пять простых правил, которые помогут сохранить здоровье почек:

3. Следите за артериальным давлением.

Повышенное давление может незаметно повреждать сосуды почек. Поддержание нормального уровня давления – ключевой фактор в защите почечной функции.

4. Осторожно используйте обезболивающие препараты.

Чрезмерное и частое применение нестероидных противовоспалительных средств (НПВС) увеличивает нагрузку на почки.



Используйте их только по назначению врача.

5. Ведите активный образ жизни и соблюдайте сбалансированную диету.

Регулярные физические нагрузки и питание с умеренным содержанием соли способствуют нормализации обмена веществ и поддержанию здоровья почек.

Помните: заболевания почек часто развиваются бессимптомно и выявляются на поздних стадиях. Профилактика – лучший способ сохранить здоровье и высокое качество жизни.

Шавкат КУВОНДИКОВ,
врач-уролог Центральной поликлиники МВД.



Турниры

«ГИГАНТЫ» ПОКАЗАЛИ КЛАСС



Недавно состоялось первенство Республики Каракалпакстан по волейболу среди лиц, находящихся под надзором службы пробации, на кубок министра внутренних дел.

В четырех зональных этапах 17 команд-участниц в составе 150 спортсменов определяли сильнейших. По итогам 4 лучшие вышли в финал, где выявлены победитель и призеры.

По итогам турнира третье место завоевала команда «Мангит» Аму-дарьинского района. Второе – команда «Шаббаз» Берунийского района. Первое место завоевала команда «Гигант» Чимбайского района.

– Стать победителем было непросто. Соперники играли хорошо, видно, что готовились основательно.



Тем приятнее это достижение. Мы получили право выступить на республиканском этапе. Надеемся войти в число победителей, – говорит капитан команды «Гигант» Арелбай Менглибаев.

Победителям и призерам вручены дипломы и памятные подарки.

Бахитбай КУЛМУРАТОВ, подполковник.

Республика Каракалпакстан.



БОРЬБА С НАРКОТИКАМИ ПРОДОЛЖАЕТСЯ

В рамках оперативно-профилактических мероприятий «Безопасная и здоровая страна», проведенных сотрудниками оперативно-розыскной службы УКД ОВД Чиланзарского района совместно с представителями СГБ по городу Ташкенту, в квартире подозреваемого Д. К. был проведен обыск.



В присутствии понятых сотрудники обнаружили 11 кустов растений, содержащих наркотическое вещество, общей стоимостью 75 млн сумов. Кроме того, на столе в квартире были найдены вещество коричневого цвета с резким запахом, ультрафиолетовые лампы, удобрения, горшки для растений и различные приборы, используемые при выращивании запрещенных культур. Все предметы были изъяты и приобщены к материалам уголовного дела в качестве вещественных доказательств.

Обнаруженные вещества растительного происхождения переданы в Экспертно-криминалистический центр для проведения экспертизы. По ее результатам установлено, что изъятые растения являются наркотическими веществами.

В настоящее время по данному факту возбуждено уголовное дело.

Соб. корр.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

(26 май – 1 июнь)



Қўй. Ҳафта бошидаги фаол саъй-ҳаракатларингиз кутилган натижаларни беради. Ҳис-туйғуларингизни назорат қилинг, акс ҳолда кейин афсус қиласиз. Пайшанба ва жума кунлари асаббузарликлар кузатилиши мумкин. Бу даврда оғир, вазмин ва сабрли бўлишга ҳаракат қилинг.



Бузоқ. Хизмат жойидаги вазият кескин тус олиб, ҳафта бироз оғир кечади. Ҳар бир сўзингизни ўйлаб гапиринг. Сиз билан рақобат қиладиганлар асабларингизни қитиқлаб кўриши мумкин. Бироқ ҳафтанинг иккинчи ярмида барча муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб, сиз завқ ва ғайрат билан ўз юмушларингизга киришасиз.



Эгизаклар. Бу ҳафтада амалга оширилган лойиҳа ва ташаббуслар ўз қадрига эга бўлади. Режаларингизни раҳбарият билан ҳозирча ўртоқлашманг, бу ишдаги мавқеингизга таъсир кўрсатиши мумкин. Дам олиш кунлари сеvimли машғулотиңгиз билан шуғулланинг.



Қисқичбақа. Айни палла саломатликка эътибор қаратиш учун керакли ва қулай давр. Имкониятларингиздан ортиқ даражада ҳаракат қилманг, юзага келган муаммоларни юрагингизга яқин олманг. Пайшанба кунига бориб вазият барқарорлашади.



Арслон. Ушбу ҳафтанинг бошида кучли ақлий зўриқишни талаб қилмайдиган ишлар билан банд бўласиз. Яқинлар ва ҳамкасблар орасидаги келишмовчиликлар кайфиятиңгизнинг бузилишига олиб келади. Имкон қадар илтифотли ва сабрли бўлинг, шунда ҳаммаси ўз изига тушиб кетади.



Паризод. Бу даврда саломатлигингиз ёмонлашиши ёки кераксиз можаролар юзага келиши мумкин. Одамлар билан муносабатда сабрли бўлинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ўтган кунлардаги салбий онларни унутишга ёрдам берадиган ёқимли ва кутилмаган янгилик оласиз.



Тарози. Ҳафтани кўтаринки кайфият билан бошлайсиз. Аммо ишга шўнғиб кетиш ҳаётингизнинг қолган бўғинига таъсир кўрсатиб, уларга вақтингиз етмай қолиши мумкин. Агар ҳаётда ўз жуфтингизни топмаган бўлсангиз, бу даврдаги янги танишувлардан эҳтиёт бўлинг.



Чаён. Ҳафта давомида атрофдаги одамлар, ҳамкасблар, шунингдек раҳбариятдан эътироф ва илиқ фикрлар қабул қиласиз. Музокаралар ва фойдали шартномаларни имзолаш учун пайшанба ва жума кунлари мақбулдир. Иш жойида меҳнатсеварлигингиз муносиб рағбатлантирилади.



Ўқотар. Келаётган ҳафтада сиздан тиришқоқлик ва серғайратлик талаб этилади. Ҳар бир бажараётган ишингиз учун елкангизга катта масъулият юкланганини зинҳор унутманг. Барча саъй-ҳаракатларингиз мукофотсиз қолмайди. Бу даврда ишга оид келишувлар омадли бўлади.



Тоғ эчкиси. Бу ҳафта эътибор етишмаслигидан нолимасангиз ҳам бўлади. Айни дам келгуси ҳаёт пойдеворини мустаҳкамлаш учун қулай давр. Такдир сизга яшил чироқни кўрсатмоқда, имкониятни қўлдан бой берманг.



Қовға. Катта тажрибага эга одамларнинг маслаҳатига жиддий эътибор қаратинг. Ҳафта давомида барча ишларни тўғри тақсимлашга ҳаракат қилинг. Яқинларингиздан бири сизга панд бериб қўйиши мумкин. Дам олиш кунлари хушёр ва кузатувчан бўлиш талаб этилади.



Балиқ. Ушбу ҳафта сизга узоқ кутилган сокин ҳаётни тўхфа этади. Бу давр янги режалар тузиш ва уларни амалга ошириш йўллари излаш учун жуда қулай. Фақат ҳозирча ўз мақсадларингизни ҳеч кимга ошкор қилмай, сир сақлаб турганингиз маъқул.



XOJA ALOUDDIN ATTOR

Surxondaryo viloyati Denov tumani Namozgoh mahallasida Xoja Alouddin Attor ziyoratgohi joylashgan.

Xoja Alouddin Attor nafaqat Surxon vohasi, balki Movaroun-nahr ma'naviy hayotida muhim o'rin tutgan mutasavvuf olimdir. U hazrat Bahouddin Naqshbandning sevimli shogirdi va kuyovi, ikki buyuk xalifasidan biri bo'lib, asl ismi Muhammad ibn Muhammad Xorazmiydir. Otasi xorazmlik bo'lib, attorlik savdosi bilan shug'ullangan. Shu bois sulola «Attor» laqabini oladi. Xoja Alouddin o'rta bo'yli, bug'doyrang, istarali, kamtar, iqtidori va farosati baland, suhbat ta'sirli, xulqi go'zal kishi edi. Otasining vafotidan so'ng qolgan boy merosini ukalari Shahobiddin va Muborakka taqsimlab beradi.

O'zi esa Bahouddin Naqshband huzuriga borib, sinovlardan muvaffaqiyatli o'tadi. Ilm istagida zahmat chekib, yuksak rutbalarga erishadi. Madrasalarda qunt bilan olgan bilimi, faqirona hayot tarzi, go'zal axloqi bilan ustozining nazariga tushadi. Xoja Naqshband uni farzandidek yaxshi ko'rib, o'ziga kuyov qilish istagida Buxorodagi madrasaga keladi. Uning



eski bo'yra ustida dars qilayotganini ko'radi. To'shak vazifasini o'tovchi bo'yra, yostiq o'rnida ishlatiladigan g'isht, yopinqch vazifasini bajaruvchi hirqa va tahorat obdastasidan boshqa narsasi bo'lmagan shogirdiga niyatini bildiradi. Ko'p o'tmay ixcham va fayzli nikoh marosimi bo'lib o'tadi. Yangi oilada to'rt farzand – Xoja Hasan Attor, Xoja Shahobiddin, Xoja Muborak va Xoja Alouddin ismli o'g'lonlar dunyoga keladi. Ularning har biri ilm egallab, yuksak maqomlarga erishadi.

Alouddin Attor zohiriy ilmlarni egallagach, Xoja Naqshband

huzurida ma'naviy ta'lim-tarbiya va botiniy olam sirlarini o'rgana boshladi. Shogirdi badavlat oilada ulg'aygani bois ustoz uni boylikdan faxrlanish va ko'ngildagi manmanlik tuyg'usini batamom jilovlash uchun imtihondan o'tkazadi.

Unga bir savat olmani olib, ukalari yashaydigan mahallada sotib kelishni buyuradi. Vazifani bajargan Xoja Alouddin Xoja Naqshbanddan yangi vazifasini oladi. Ustozi uning ma'naviy kamoli tarbiyasi bilan mashg'ul bo'ladi. Xoja Bahouddin Naqshband hali kuchdan qolmagan bo'lsa-da, talaba va muridlarining tarbiyasini Xoja Alouddinga topshiradi va bu haqda: «Bizning yukimizni hiyla yengillatdi. Uning suhbat va go'zal tarbiyasi sabab ko'plab shogirdlarning botin ko'zlari ochildi, haqqa yaqinlik yo'lida kamolga erishdi», deb shogirdidan mamnunligini e'tirof etadi.

Xoja Alouddin Attor milodiy XIV asrning 90-yillarida Buxorodan Denovga kelgach, naqshbandiya tariqati targ'ibotini davom ettirdi. Naql qilishlaricha, Alouddin Attor vafotidan 7 yil avval Xoja Bahouddin Naqshband qabrini ziyorat qilish maqsadida Hisor viloyatidan Buxoroga bormoqchi bo'ladi. 18 kun deganda Buxoroga yetib, Naqshband qabrini

ziyosat qiladi. Shavvol oyining boshida yana uyiga qaytadi. Muhammad ibn Tohir Xorazmiyning rivoyatiga ko'ra, Alouddin Attor 1399-yil rajab oyining dushanba kuni dardga chalinadi. O'sha oyning yigirmanchi kechasi xufton namozidan so'ng vafot etadi. U qo'nim topgan qabriston «Shayx Attor Valiy» yoki «Ostona buva» deb nomlanadi.

Xoja Alouddin Attor sag'anasi XV asrga oid bo'lib, avval bu manzilda faqat Valiyning hamda o'g'li va nabirasining qabri bo'lgan, keyinchalik bu joy katta ziyoratgohga aylangan.

Mustaqillik yillarida buyuk allo-malar, aziz avliyolarning ilmiy merosini o'rganish, ziyoratgohlarini obod qilishga qaratilgan e'tibor samarasida 2000-yil Denov tumani hokimligi va mahalliy aholi tomonidan hashar yo'li bilan qabroniga maqbara qurilgan.

2019–2020-yillarda mahalliy homiylar tomonidan eski maqbara o'rnida hashamatli maqbara bunyod etildi. Qabr maqbaraning yerto'la qismiga olinib, tepasiga ramziy qabr qo'yildi. Maqbaraga ganchkorlik usulida chiroyli bezaklar berildi. Maskan obodonlashtirilib, ziyoratchilar uchun barcha sharoitlar yaratildi.

Feruza RAHMONQULOVA.



MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir

polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir
o'rinbosarlari

podpolkovnik Azizjon **FAYZIYEV**
mayor Aziza **BOHODIROVA**

Navbatchilar

Adolat **FAYZIYEVA**
Yuliya **CHAYKINA**

Mas'ul muharrir

Erkin SATTOROV

Veb-dizaynerlar

Zokir **BOLTAYEV**
Ilhom **JUMANOV**
Akbar **BOLTAYEV**

Fotomuxbirlar

Abu **KENJAYEV**
Ikrom **HASANOV**

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Obuna masalalari

bo'yicha:

71-231-38-74;

97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



Tahririyat hisob raqami h/r
23402000300100001010.
Bank kodi 00014.

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va
moliya vazirligi g'aznachiligi.

Shaxsiy h/v

470010860262877031101179001
STIR 200637499.

Gazeta O'zbekiston matbuot va
axborot agentligi tomonidan
2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.

Buyurtma № 1345.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3.
Hajmi – 6 bosma taboq.
45502 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

«Kolorpak» MCHJ bosmaxonasida
chop etildi.

Korxona manzili: 100206
Yunusobod tumani,
Yangishahar ko'chasi 1^A-uy.